Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 245 (5536)
25 ОКТЯБРЬ 1984 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ—ХАЛҚ РЕЖАЛАРИ

КПСС Марказий Комитетн октябрь Пленуми ҳужжатларини, ўртоқ К. У. Черненконинг ана шу олий партия анжуманида сўзлаган нутқини барча совет кишилари қатори серқуёш Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари ҳам чуқур қониқиш ҳисси билан ўрганмоқдалар ва астойдил маъқулламоқдалар. «Бутун Пленум руҳи, унда кўтарилган масалалар ва қабул қилинган қарорлар совет кишилари турмуш даражасини муттасил ошириш тўғрисида партиявий доимий ғамхўрликнинг янги ифодасидир», деган яқдил фикр билдиришмоқда улар.

Улкан вазифалар программаси

КПСС Марказий Комитетининг Ватанимиз пойтахти — Москвада бўлиб ўтган навбатдаги октябрь Пленуми қарорлари, айниқса ўртоқ К. У. Черненконинг унда сўзлаган ёрқин нутқи барча совет кишилари қатори бизнинг корхонамиз коллективини ҳам ҳаяжонга солди. Ушбу Пленум жамиятимиз иқтисодий ривожланишини кўзда тутиб, мамлакатнинг Озиқ-овқат фондини мунтазам ошириб бориш мақсадида узоқ муддатли мелиорация программаси, шунингдек суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тадбирларини кўриб чиқдики, бу Ватанимиз тараққиёти учун ниҳоятда зарур масаладир.

Бизнинг корхонамиз турли маркадаги экскаваторлар, дизелларни ремонт қилиш билан бир қаторда янги ўзлаштирилаётган ерларга мўлжалланган дренаж-машиналар, шунингдек саҳро шунқорлари учун вагонётоқхоналар ишлаб чиқаради. Ўтган кварталларда ана шу машиналардан 30 тасини тайёрлаб республиканинг саҳро ерлари кўп бўлган областларига жўнатдик. Айниқса, вагон ётоқхоналарни муваффақият билан ишлаб чиқаряпмиз. Бир ойда плондаги 60 та ўрнига 63 тадан ана шундай, «кўчма уйлар» тайёрлашга муваффақ бўляпмиз.

Ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумда сўзлаган нутқида шундай сўзлар бор: **«Нисбатан қисқа муддатлар ичида суғориладиган ва захи қочирилган экин майдонларини бир ярим баравар кенгайтириш кўзда тутилган. Бу эса улардан деҳқончилик маҳсулотлари олинишини икки баравар кўпайтириш имконини беради».** Ана шундай улкан вазифага бизнинг коллективимиз ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Ш. ИСАМУҲАМЕДОВ,

Тошкент механика экскаватор ремонти заводи 5-цехи бригадири, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

МАМЛАКАТ ОЗИҚ-ОВҚАТ ФОНДИНИ МУТТАСИЛ ОШИРИБ БОРИШ МАҚСАДИДА УЗОҚ МУДДАТЛИ МЕЛИОРАЦИЯ ПРОГРАММАСИ, МЕЛИОРАЦИЯ ҚИЛИНГАН ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет кишилари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, хўжалик ва маданий қурилишнинг мураккаб масъулиятли вазифаларини бажариш учун зўр илҳом бағишлаган меҳнат қилмоқдалар. Ижтимоий ишлаб чиқаришни янада кучайтириш ўстиришга эришилди, халқ фаровонлиги муттасил ошмоқда.

Агросаноат комплексини ва унинг асосий бўғини — қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама ривожлантириш, СССРнинг озиқ-овқат программасини изчиллик билан бажариш мамлакатнинг иқтисодий потенциалини янада мустаҳкамлашга бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларига мувофиқ аграр сектордаги хўжалик механизми ва бошқарув такомиллаштирилмоқда, колхоз ва совхозларнинг экономикаси мустаҳкамланмоқда, қишлоқда ишлаб ўзгартишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, аввало ғўшт, сут, тухум, картошка, сабзавот ва ичимлик ишлаб чиқариш ва уларни истеъмол учун харид қилиш кўпаймоқда. Бу эса аҳолини тўлақонли озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилашга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Коммунистик партия ўзининг аграр сиёсатида бутун халқ хўжалигини планли ривожлантиришнинг энг муҳим шарти деб қараган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барқарорлигини оширишга бенизоя зўр аҳамият бермоқда. Бу мақсадга эришишда деҳқончиликни интенсивлаш ва унинг маҳсулдорлигини оширишнинг қудратли воситаси — мелиорация ҳал қилувчи роль ўйнайди. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш, кимиялаш билан бирга мелиорация ерларнинг умумдорлигини оширишни, қишлоқ хўжалик экинзоларидан, моддий техника ва меҳнат ресурсларидан ғоят оқилона фойдаланишни таъминлайди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партиямиз ишлаб чиққан мамлакатдаги ерларни кенг мелиорациялаш йўли билан амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалик экинзорларини янгилаш соҳасида жуда катта иш ўтказилганлигини таъкидлайди. Катта гидромелиорация иншоотлари барпо этилди, илгари ишга туширилган суғориш ва ер кетказиш системалари замонавий техника асосида қайта қурилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил майдаги Пленумидан кейинги даврда мелиорация қилинган ерлар майдони 17 миллион гектардан 33 миллион гектарга етди. Жумладан, 19 миллион гектар суғориладиган ва 14 миллион гектар захи қочирилган бу ерлар эндиликда деҳқончилик маҳсулотининг учдан бир қисмини бермоқда. Шоли ва пахта етиштиришнинг ҳаммаси, сабзавотнинг тўртдан уч қисми, мева ва узумнинг ярми суғорма ерларда етиштирилмоқда. Мелиорация қилинган ерлардан олинаётган маккажўхори дони ва ем-хашак анча кўпайди.

Шу билан бирга амалга оширилаётган тадбирлар деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантиришнинг етарли даражада барқарорлигини, уларнинг маҳсулдорлигини оширишни ҳали ҳам таъминлаётгани йўқ. Аввало, кейинги йилларда ғалла етиштиришни тезлик билан такрорланаётган қурғоқчиликлар қишлоқ хўжалигига жиддий зарар етказмоқда. Бу ҳол қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари анчагина ўзгариб тушишига олиб келмоқда, аҳолини шу маҳсулотлар билан таъминлашда тиғизлик келтириб чиқармоқда, умуман экономиканинг таъсир қилмоқда. Мелиорацияни ривожлантиришнинг самарасини эришилган даражаси ҳали мамлакатнинг бир қатор районларида вужудга келаётган ноқулай об-ҳаво шароитлари оқибатларининг ўрнини тўла-тўкис боса олмаяпти. Шу сабабли қишлоқ хўжалигининг барқарорлигини янада ошириш, дон, ем-хашак, деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни муттасил кўпайтириш учун мелиорацияни таъминлайдиган янги, кенг миқёсли тадбирлар талаб қилинади.

КПСС Марказий Комитети коммунистларнинг, агросаноат комплекси тармоқлари, машинасозлик, қурилиш индустрияси, химия, энергетика барча меҳнат коллективларининг кучларини Марказий Комитет Сиёсий бюросининг топшириғига биноан ишлаб чиқилган ҳамда сув хўжалиги қурилиши ва мелиорация қилинган ерлардан мўл ҳосил олиш ни тугатиш лозим. Кўпгина хўжаликларда деҳқончилик маданиятини ошириш тўғрисида тузук ғамхўрлик қилинмаётганлигига, зарур миқдорда ўғит, мелиорант солинмаётганлигига, меҳнатни ташкил қилиш ва рағбатлантиришнинг илғор формалари суст жорий этилаётганлигига, оммавий касбларидаги малакали кадрларни тайёрлашга ва уларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолишига етарли эътибор берилмаётганлигига тоқат қилиб бўлмайди. Натижада майдонларнинг талайгина қисмида узоқ вақт мобайнида лойиҳада белгиланган ҳосилдорликка эришилмаяпти, давлат сарфлаётган маблағлар эса ҳали керакли самарани бермаяпти.

Сув хўжалиги қурилишини янада такомиллаштириш ва ишларнинг сифатини яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш талаб этилади. Ҳамон маблағларни сочиб юборишга, улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш фактларига йўл қўйилмоқда, чала қолган қурилишлар ҳажми секинлик билан камайтирилмоқда. Барча объектларда ҳам қурилишдаги комплекслилик асло таъминланаяпти, деб бўлмайди, мелиорация қилинган ерларни ўзлаштирувчи хўжаликларни ташкил этиш орқада қолмоқда. План органлари, сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги органлари мавжуд системаларни реконструкциялаш ва ремонт қилишга, маданий-техника ишларини зарур ҳажмларда ўтказишга етарли баҳо бермаяптилар. Мелиорация системаларини лойиҳалаш ва қуриш чоғида капитал маблағлардан фойдаланишнинг йўналишлари ва қайсиниси биринчи навбатда эканлиги ҳамиша ҳам чуқур асосланаётгани йўқ, барпо этилаётган иншоотларнинг юксак даражада пишиқ-пухталигини, сарфланаётган маблағларнинг тезда қопланишини таъминловчи замонавий инженерлик ечимлари ҳамма жойда қўлланиляпти, деб бўлмайди.

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, агросаноат бирлашмалари кўпинча баҳамжиҳат иш кўрмай, сусткашлик қилмоқдалар, мелиорацияни янада ривожлантиришга доир кўпгина туб масалаларни етарлича қатъият билан ҳал этмаяптилар. Улар иш ҳажми кўрсаткичлари билан қаноатланиб қолиб ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув хўжалиги системаларининг пухта ишлашини таъминлаш учун, капитал маблағлар ва мелиорация қилинган ерлар самарадорлигини ошириш учун сув хўжалиги ташкилотларининг, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларига нисбатан тегишлича талабчанлик қилмаяптилар. Бир қанча жойларда партия ташкилотлари колхозчиларнинг, совхоз ходимларининг, мелиораторлар, қурувчиларнинг меҳнат коллективларида ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишларни етарлича олиб бормаяптилар, шу коллективларнинг куч-ғайратларини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг барча резервларини ишга туширишга суст йўналтирмоқдалар.

Ерларни ўзгартириш юзасидан ўн иккинчи беш йилликка ҳамда истиқболга мўлжаллаб белгиланган вазифаларнинг кўлами ва аҳамияти барча бўғинлардаги кадрларни ишга давлат нуқтаи-назаридан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашни, уларнинг ишчанлик малакасини ошириш, мелиорация ишларини самарали олиб бориш ва яхшиланган ерларда хўжалик юритиш натижалари учун масъулиятни кучайтириш тўғрисида кун сайин партиявий ғамхўрлик қилишни талаб этади.

КПСС Марказий Комитети Пленуми қарор қилади:

1. Мамлакат экономикасини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг асосий йўналишлари, озиқ-овқат фондини барқарор кўпайтириб боришда мелиорациянинг ролини ошириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва хулосалар тўла-тўкис маъқулансин. Партия, совет ва хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари ўзларининг амалий фаолиятларида шу қоида ва хулосаларга доимо амал қилсинлар.

2. Ерларни мелиорациялаш ҳамда мелиорация қилинган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ўн иккинчи беш йилликка ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси тасдиқлаган ҳамда Сиёсий бюро аъзоси; СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Тихонов докладида баён этилган узоқ муддатли программаси маъқулансин.

Ҳар бир хўжалик белгиланган муддатларда лойиҳада кўзда тутилган ҳосилдорликка эришиб, барча суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан юксак самара билан фойдаланишни;

мамлакат жанубида — Шимолий Кавказда, Поволжье, Украина ва Молдавияда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш гарантияланган йирик зоналарни вужудга келтириш мақсадида суғориладиган деҳқончиликни жадал ривожлантиришни;

Ўрта Осиё республикаларида, Қозоғистонда ва Закавказьеда ирригация қурилишларини давом эттиришни;

РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасида, Сибирь ва Узоқ Шарқда, Украинанинг Полесьесида, Белоруссияда, Болтиқ бўйида мелиорация ишлари комплексини амалга оширишни;

колхозлар, совхозларда, хўжаликлараро бирлашмаларда, маҳаллий сув манбаларидан, ер ости сувларидан, лиман усулидаги суғоришдан фойдаланиб, суғориладиган участкаларни кенгайтиришнинг шу программанинг бош йўналишлари деб ҳисоблансин.

СССР Министрлар Совети, СССР Госплани, министрликлар ва идоралар, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари иқтисодий ва социал ривожланишнинг йиллик ҳамда перспектив планларида мелиорация программасида кўзда тутилган топшириқларни сўзсиз бажариш учун капитал маблағ ва моддий ресурслар тўла ҳажмда ажратиб берилишини таъминласинлар.

3. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия комитетлари, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, СССР Госкомсельхозтехникаси, совет органлари, агросаноат бирлашмалари, бошлангич партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари узоқ муддатли мелиорация программасидан келиб чиқадиган вазифаларни муваффақиятли бажаришга доир актив ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни авж олдириб юборсинлар.

Қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги корхоналари раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг, меҳнат коллективларининг мелиорация қилинган ерлардаги ишнинг пировард натижалари учун иқтисодий ва маънавий масъулияти ҳамда манфаатдорлиги кучайтирилсин. Деҳқончиликни юксак даражада интенсив юритишни, барча қишлоқ хўжалик экинларининг программалаштирилган ҳосили ҳар йили олинишини таъминлайдиган агротехник, технологик, ташкилий тадбирларнинг бутун комплекси ўз вақтида аниқ бажарилишига эришилсин. Мелиорация қилинган экин майдонларини минерал ўғитлар, химиявий мелиорант ва пестицид моддалар билан, техника, серҳосил нав ва гибридларнинг уруғликлари билан тўла таъминлаш тўғрисида белгиланган тартибга қатъий амал қилинсин. Торф қазиб олишни ва ундан ўғит сифатида фойдаланишни кўпайтириш, шунингдек оҳак ҳамда бошқа оҳакли материаллар ишлаб чиқариш ва етказиб бериш чоралари кўрилсин. Ерларни сифат жиҳатдан яхшилаш, мелиорация системаларини реконструкция қилиш ва уларнинг техника даражасини ошириш, пухта ишлатиш хизматини ташкил этиш борасидаги ишлар анча кучайтирилсин. Суғоришда сувни тежаб сарфлаш тадбирлари системаси амалга оширилсин, илғор суғориш усуллари кенгроқ жорий этилсин.

Суғориладиган ва захи қочириладиган ерлардаги колхоз ҳамда совхозларда ишлаш учун малакали кадрлар тайёрлаш ташкил этилсин.

4. СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, партия ва совет органлари зиммасига сув хўжалиги қурилишини ташкил этишга доир жами ишларни яхшилаш юзасидан амалий чоралар кўриш, КПСС Марказий Комитетининг капитал маблағлар самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш ва ўзлаштириш муддатларини қисқартириш тўғрисидаги, зарур ресурсларни бундан буён ҳам энг муҳим қурилишларга жамлаш ҳақидаги талаблари бажарилиши устидан контролликни кучайтириш вазифаси юклансин. Мелиорация қилинадиган ерларда комплекс қурилиш, жумладан қишлоқ хўжалигини ташкил этиш, йўллар қуриш, шунингдек уй-жойлар, болалар муассасалари, маданий-маиший объектлар ўз вақтида фойдаланишга топширилиши таъминлансин, бунга мелиорацияларга сарфланаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим шарти деб қаралсин.

5. КПСС Марказий Комитети Пленуми мелиорация программасини амалга оширишда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга муҳим аҳамият беради.

СССР Фан ва техника давлат комитетига, СССР Фанлар академияси, ВАСХНИЛ, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига, СССР Гидрометеорология ва табиий муҳитни контрол қилиш давлат комитетига илмий муассасаларнинг мамлакатнинг турли табиий иқлим зоналарига тадбиқан суғориладиган ва захи қочирилган ерлар шароитида деҳқончилик маҳсулдорлиги ва барқарорлигини ошириш, интенсив типдаги янги нав ва гибридлар селекцияси проблемаларини тадқиқ этиш ишларини яхшилаш топширилсин. Мелиорациянинг иқтисодий самарадорлиги масалаларига, техника жиҳатидан мукаммал суғориш ва зах қочириш системаларини, мелиорация, ремонт-тиклаш ишлари ҳамда қишлоқ хўжалик ишларини бажариш учун замонавий машиналар ишлаб чиқиш ва яратишга эътиборни кучайтириш керак. Фан ютуқлари ва илғор тажрибани сув хўжалиги қурилиши ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этиш тезлаштирилсин.

Сув ресурсларини регионлар бўйича қайта тақсимлаш ва оқилона фойдаланишнинг илмий асосланиши анча оширилсин, атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилинсин.

6. СССР Госплани, СССР Госснаби, машинасозлик, химия, энергетика ва бошқа саноат тармоқлари министрликлари ишлаб чиқилган программага қатъий мувофиқ равишда юқори сифатли ва пухта машиналар, материаллар ҳамда асбоб-ускуналар етказиб беришни таъминласинлар. Бирмунча мукаммал, серунум ва тежамли ер қазиш ҳамда мелиорация машина-механизмларини, приборларни, сув хўжалиги иншоотларини автоматлаш ва телемеханизациялаш воситаларини, мелиорация системаларини ремонт қилиш ва ишлатиш учун махсус мўлжалланган машиналар ҳамда ускуналарни яратиш соҳасидаги ишлар кучайтирилсин, уларни кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштириш жадаллаштирилсин.

Саноат корхоналарининг партия ташкилотлари, колхозлар, совхозларни, сув хўжалиги ташкилотларини суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан самарали фойдаланиш, янги мелиорация системаларини қуриш, мавжудларини реконструкциялаш, ремонт қилиш ва ишлатиш учун зарур бўлган техника, химиялаш воситалари, полимер материаллар, бошқа ресурслар билан таъминлаш юзасидан белгиланган топшириқлар қандай бажарилаётганигини муттасил назорат қилиб турсинлар. Меҳнат коллективлари ана шу топшириқларни ошириб адо этиш учун қўшимча резерв ва имкониятларни қидириб топишга йўналтирилсин.

7. КПСС Марказий Комитети Пленуми ерларни мелиорациялаш соҳасидаги янги катта вазифаларни ҳал этиш партия раҳбарлигининг услуб ва методларини янада такомиллаштиришни талаб этади деб таъкидлайди. Ташаббускорлик ва ишчанликни бутун чоралар билан ривожлантириш ва рағбатлантириш, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш, контролнинг таъсирчанлигини ошириш, меҳнат коллективларида социалистик мусобақани активлаштириш, уларнинг куч-ғайратларини капитал маблағлардан ва мелиорация қилинган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги конкрет вазифаларни ҳал этишга қаратиш зарур. Ҳўжалик ҳисобидаги бригада пудратини, мелиорация қилинган ерларда лойиҳада белгиланган ҳосилдорликни ошириш илғор хўжаликларнинг тажрибасини кенг жорий этиш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилинсин. Шу вазифаларни бажаришда партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, маҳаллий Советларнинг роли кучайтирилсин.

Марказий, республика, маҳаллий газеталар, телевидение ва радио эшиттириш редакциялари, СССР Кинематография давлат комитети мелиорацияни янада ривожлантириш планлари қандай амалга оширилаётганлигини, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг ютуқларини кенг қўламда ёритсинлар, мамлакат Озиқ-овқат программасини бажаришда мелиорациянинг роли ва аҳамиятини кўрсатиб турсинлар.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми коммунистлар, барча меҳнаткашлар ерларни мелиорациялашни ривожлантиришнинг узоқ муддатли программасини ғоят муҳим хўжалик-сиёсий аҳамиятига молик вазифа сифатида қабул қиладилар; деб қатъий ишонч билдиради. Шу вазифанинг ҳал этилиши экономиканинг аграр секторини барқарор ривожлантиришга, шу асосда совет кишиларининг фаровонлигини янада оширишга актив кўмаклашади.

Биз ҳаммамиз—пахтакормиз

«ОҚ ОЛТИН» — ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 24 октябргача бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун— бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	1,13	88,83
Тошкент	1,05	86,45
Наманган	1,17	83,76
Андижон	0,97	80,71
Сурхондарё	1,05	75,63
Хоразм	1,31	74,75
Сирдарё	1,04	71,11
Самарқанд	1,00	60,57
ҚҚАССР	1,57	60,55
Бухоро	0,66	55,89
Жиззах	0,88	55,02
Навоий	0,73	51,79
Қашқадарё	0,59	40,02
Республика бўйича	1,01	68,79

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР № 21



БЎЛАЖАК АВТОМОБИЛЧИЛАР ДАЛАДА

Мана ўн йилдирки, Тошкент автомобиль-йўл институтининг студентлари Ильич районидаги «Правда» совхози пахтакорларига ёрдам бериб келишмоқда.

Бўлажак автомобилчилар айни долзарб кунларнинг қадрига етиб, йиғим-терим ишларини кучайтиришмоқда. Г. Алекперова, И. Колесниченко, Г. Умаров сингари студентлар кунига 150 килограмм ва ундан ошириб «оқ олтин» теришмоқда. М. Эшқобилова Г. Нурматовалар эса бугунгача икки тоннадан пахта териб қўйишди. Уларнинг аҳди мавсум давомида 6 тоннадан пахта териб беришдан иборат.

Йиғим-терим ишларини кун сайин қизғин тус олмоқда. Бўлажак автомобилчилар республикамизнинг шонли юбилейига муносиб совға ҳозирлаш учун йиғим-терим ишларида актив қатнашишяпти.



СУРАТДА: Тошкент автомобиль-йўл институтининг студентларни пахта теримида.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

БУГУН

ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари шаҳар Советининг ўн иккинчи сессияси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳисоботи юзасидан 1984 йил 11 сентябрда қабул қилинган қарори талаблари асосида уй-жой фонди, иссиқлик манбалари ва иссиқлик тармоқларининг қиш шароитида ишлашга тайёрлиги тўғрисида шаҳар уй-жой бошқармаси, «Ташгеплокоммунэнерго», «Таштеплосеть» ва «Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмалари раҳбарлари У. А. Ризаев, Л. Г. Костин, Н. Убайдуллаев, Е. Б. Кейновнинг ҳисоботлари тингланди.

Сессия иши тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетанинг яқин сонларидан бирида босилади.


ВЕТЕРАНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

БУГУН

В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалининг кино-лекциялар залида 1941 — 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган «Партия ва ҳукуматнинг Улуғ Ватан уруши қатнашчилари тўғрисидаги оталарча ғамхўрлиги» мавзуида конференция бўлиб ўтди. Унда фронтчи-ветеранл а р, меҳнат ветеранлари, Тошкент шаҳри жамоатчилигининг вакиллари иштирок этишди.

Конференцияни уруш ветеранлари совет комитетининг Тошкент секцияси раиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Б. Х. Эргашев очди. Сўнгра Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссари полковник У. Р. Мўминов, Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри А. М. Худойберганов, Ўзбекистон ССР социал таъминот министри Ҳ. Ё. Ёқубжонова сўзга чиқдилар.

Конференция қатнашчилари В. И. Ленин музейининг экспозицияси билан танишдилар, «Барҳаёт Ленин» фильмини томоша қилдилар.



МОСКВА. Бу ерда шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун совет гроссмейстерлари А. Карпов — Г. Каспаров ўртасидаги матч давом этмоқда. Кеча ўйналган навбатдаги ўн еттинчи партия 22-юришда дуранг натижа билан тугади. Шундай қилиб, жаҳон чемпионини матчда ҳамон 4:0 ҳисобида пешқадамлик қилаяпти. Дуранг қайд этилган ўн уч партия ҳисобга ўтмайди.

* * *

ВОЛГОГРАД. Бу ерда вояллар ўртасида шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун М. Чибурданидзе — И. Левитина матчи муддатидан илгари тугади. Матчда 8,5:5,5 ҳисобида ғалаба қозонган М. Чибурданидзе чемпионлик унвонини сақлаб қолди. Матчнинг сўнгги ўн тўртинчи партиясида дуранг натижа қайд этилди.

«АЛЬБАТРОС» НАМОЙИШ ҚИЛАДИ

КЕЧА

Узбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси Давлат комитетининг биносида Чехословакиядаги «Альбатрос» нашриётининг болалар китобларн кўргазмаси тантанали очилди.

Бу нашриётнинг рассомлари ва ноширлари тайёрлаган китобларда болалар н и н г диққатини тезда қамраб оладиган доно, қувноқ, мафтункор расмлар жуда ҳам кўп. Кўргазмага турли ёшдаги болалар учун мўлжалланган қўплаб китоблар намойишга қўйилган. Уларнинг аксарияти Чехословакияда бўлиб ўтган турли халқаро конкурсларда олтин ва кумуш медаллар билан тақдирланган.

Тошкент китобсеварлари диққатига ўзининг талай маҳсулотларини намойиш қилаётган бу нашриёт бир йилнинг ўзида турли ёшдаги болалар учун 250 номда китоб нашр этмоқда. Йиллик нашрнинг умумий ҳажми 9 миллион нусхадан ошади.

Кўргазмани ташкил этиш муносабати билан Тошкентга келган Чехословакиянинг китоб ноширлари республикамиз пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан қизиқиб танишмоқдалар, В. И. Ленин номли Марказий музейининг Тошкент филиалида, республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида, Ленин номли пионерлар саройида бўлдилар. Улар Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг «Ёш гвардия» нашриётида бўлдилар. Нашриётчиларнинг ўзаро тажриба алмашувлари икки нашриёт ходимлари ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади.

МАМЛАКАТ ОЗИҚ-ОВҚАТ ФОНДИНИ МУТТАСИЛ ОШИРИБ БОРИШ МАҚСАДИДА УЗОҚ МУДДАТЛИ МЕЛИОРАЦИЯ ПРОГРАММАСИ, МЕЛИОРАЦИЯ ҚИЛИНГАН ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Пленумида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. А. ТИХОНОВ доклади

Ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Константин Устинович Черненко ўзининг ёрқин, сермазмун нутқида социалистик экономиканинг етакчи секторларидан бири — қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволини чуқур анализ қилиб, партия билан халқнинг навбатдаги вазифаларини ҳар томонлама асос лаб берди.

Шу билан бирга у Пленумда муҳокама этилаётган масаланинг муҳимлигини алоҳида таъкидлади, мамлакат озиқ-овқат фондини муттасил ошириб бориш ишида мелиорациянинг ролини партиявий позициялардан туриб ёритиб берди. Константин Устинович нутқидаги қоида ва хулосалар барча партия, совет ва хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг КПСС XXVI съездида ишлаб чиқилган партия иқтисодий стратегиясини рўёбга чиқариш борасидаги амалий фаолиятида шубҳасиз қўлланма бўлиб қолади.

Аграр сиёсат КПСС иқтисодий стратегиясининг энг муҳим таркибий қисмидир. Унинг ҳозирги босқичи КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумида бошлаб берилган эди. У Марказий Комитетнинг кейинги Пленумлари ва партия съездларида янада ривожлантирилди. Мамлакатнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программасини қабул қилган Марказий Комитет 1982 йил май Пленуми бу соҳада алоҳида роль ўйнади.

Шу сиёсатни амалга ошириш натижасида қишлоқ хўжалиги ва умуман агросаноат комплексини ривожлантиришнинг кўпгина масалалари ҳал этилди. Молиявий ва моддий ресурсларни қайта тақсимлаш йўли билан унинг ишлаб чиқариш фондлари сифат жиҳатидан янгиланди ва кенгайтирилди. Кейинги тўрт беш йилликда (1966—1985 йиллар) шу мақсадларга 740 миллиард сўм чамаси капитал маблағ сарфланди.

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумидан кейин ўтган йиллар мобайнида жамоат қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш фондлари 4,5 баравар кўпайди ва 300 миллиард сўмга яқинлашди. Меҳнатнинг энергия билан таъминланганлиги 3,6 баравар ортди. Қишлоққа юборилаётган минерал ўғит қарийб 4 баравар кўпайди. Қишлоқ хўжалиги ходимларининг турмуш ва меҳнат шароитларида муҳим ўзгаришлар юз берди. Иш ҳақи ортди, жамоат фондидан тўловлар кўпайди. Қишлоқда уй-жой, маданий-маиший объектлар ва йўллар қуриш кенгайиб бормоқда, аҳоли пунктларини газлаштириш кўпаймоқда.

Партия экономиканинг аграр секторида ишлаб чиқариш кучларини орттириш борасида кўрган чоралар йиллик ўртача қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашни еттинчи беш йилликдаги 83 миллиард сўмликдан ўнинчи беш йилликда 124 миллиард сўмликка қадар кўпайтиришга имкон берди, бултур эса 135 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди. Шунинг асосида совет кишиларини озиқ-овқат ва саноат хом ашёси билан таъминлаш яхшиланди.

Шу билан бирга партия Марказий Комитетининг Пленумларида айтиб ўтилганидек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ўстириш суръатлари ҳали ҳам ошиб бораётган эҳтиёжларга мос келмаётир. Бу нарса қишлоқ хўжалигининг, агросаноат комплекси барча тармоқларининг самарадорлигини тобора матонат билан ошириб бориш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш вазифасини юклайди.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалигимиз мураккаб иқлим шароитларида олиб борилаётганлигини назарда тутмаслик мумкин эмас. Бизда ҳайдаладиган ернинг 60 процентдан кўпи ва барча қишлоқ хўжалик ерларининг 70 процентга яқини қурғоқ районларда жойлашган. Ҳайдаладиган ерларнинг анча қисми намгарчилик районларидадир. РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонаси, Сибирь ва Узоқ Шарқда, Белоруссияда, Болтиқ бўйи республикаларида зах ерлар айниқса кўп.

Кейинги йилларда қурғоқчилик тобора тез-тез бўлиб турибди. Бунинг оқибатлари эса ғоят сезиларлидир. Ноқулай об-ҳаво шароитлари экин ҳосилдорлигини анча камайтириб юборади, дон, ем-хашак ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари ялпи ҳосилида сезиларли ўзгаришлар вужудга келтиради. Масалан, ўнинчи беш йиллик мобайнида дон етиштиришдаги ўзгаришлар кўлами 58 миллион тоннага борди. Бу йилги қурғоқчилик ҳам анча зиён етказди.

КПСС Марказий Комитети ва ҳукумат қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволини ҳамда Озиқ-овқат программаси қандай амалга оширилаётганлигини таҳлил этиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш, бутун агросаноат комплексини янада ривожлантириш борасида узоқ муддатли кўзловчи катта кўламдаги қўшимча тадбирларни амалга оширишни зарур деб топдилар.

«Юксак даражада ривожланган, самарали ишлаб турган агросаноат комплекси халқ моддий фаровонлигини янада оширишнинг, мамлакат бутун халқ хўжалиги самарадорлигини ўстиришнинг зарур шартидир», —деб уқтириб ўтди Константин Устинович Черненко.

КПСС Марказий Комитети ва ҳукуматнинг мамлакат озиқ-овқат фондини муттасил кўпайтириб бориш мақсадида мелиорацияни янада ривожлантириш, мелиорация қилинган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан ишлаб чиққан чоралари мана шу тадбирлар орасида марказий ўринда турибди. Константин Устинович Черненконинг ташаббуси билан тузилган узоқ муддатли мелиорациялаш программаси ушбу Пленумнинг муҳокамасига қўйилмоқда.

Мамлакатда мелиорация ишини янада юксалтириш катта социал-иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқ хўжалигинигина эмас, шу билан бирга умуман экономикани ҳам мутаносиб ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир, деб бемалол айтиш мумкин.

Пленум қатнашчилари тайёрланган ҳужжат билан таниш бўлганликлари учун ҳам унинг баъзи, энг принципиал қоидалари хусусидагина тўхталиб ўтаман.

I. Мелиорация соҳасидаги ишларнинг асосий якунлари ва янги вазифалар

Аввало партия Марказий Комитетининг 1966 йил май Пленумидан кейин ерларни мелиорациялаш соҳасида олиб борилган ишларнинг якунларига тўхталиб ўтаман. Маълумки, ўша Пленум шу муҳим проблемага бағишланган эди.

Партия Марказий Комитети ва ҳукумат мазкур Пленум белгилаб берган йўлга амал қилиб, мелиорация ишларини ривожлантириш, сув хўжалиги ташкилотлари модий-техника базасини мустаҳкамлаш, суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг катта масалаларини бир неча бор кўриб чиқдилар. Партия ва совет органлари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ташкилотлари ,министрликлар ва идоралар ,совхоз ва колхозларнинг меҳнаткашлари партия ва ҳукумат мелиорацияни ривожлантириш борасида ишлаб чиққан тадбирларни амалга ошириш юзасидан катта ишлар қилдилар.

Марказий Комитетнинг 1966 йил май Пленумидан бошлаб ҳамда шу беш йилликда мелиорация мақсадларига 115 миллиард сўмга яқин капитал маблағ сарфланди. Ерларни мелиорациялаш борасидаги ишларни бажариш учун зарур ишлаб чиқариш базаси яратилди. Сув хўжалиги ташкилотлари, колхозлар ва совхозлар фаолиятида ҳали бош вазифа Жезқазған, Днепр—Донбасс, Днепр—Кривой Рог каналлари, Катта Ставрополь канали, Саратов, Куйбишев, Қарши, Аму—Бухоро каналлари ва бошқа каналлар шулар жумласидандир. Суғориш тармоқларининг узунлиги 700 минг километрдан ошиб кетди. 5 мингтадан кўп насос станциялари қурилди ва 1,5 миллионга яқин ҳар хил гидротехника иншоотлари фойдаланишга топширилди.

РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасида, Волга бўйи, Сибирь, Узоқ Шарқда суғоришни ривожлантириш ва захни қочириш билан боғлиқ бир қанча катта-катта масалалар ҳам ҳал этилди. Краснодар ўлкасида, Астрахань областида, Амударё ва Сирдарё этакларида катта-катта шолипоя инженерлик системалари барпо этилди. Халқимиз Мирзачўл, Жиззах чўли ва Қарши чўлидаги ўзгаришлардан, Қорақум канали қурилиши, Кубань тўқайлари ва Украина билан Белоруссия полесьесидаги ботқоқ массивлар ўзлаштирилиши билан ҳақли равишда фахрланади.

Шу вақт ичида суғориладиган ва захи қочирилган ер майдонлари 17 миллион гектардан 33 миллион гектарга қадар кўпайди. Жаҳон практикасида бу қадар катта кўлам ва суръатли қурилиш ишлари ҳали бўлмаган. Энди бизда мамлакатнинг қарийб барча асосий деҳқончилик районлари мелиорация қилинмоқда. Шу ерларда деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш муттасил ортиб бормоқда. Бултур у 1965 йилдаги 6 миллиард ўрнига 16 миллиард сўмликдан ортиб кетди, шу ерлардан олинаётган маҳсулотнинг салмоғи уни етиштириш жами ҳажмида 20 процентдан 33 процентга қадар кўпайди.

Мелиорация қилинган ерларда ўртача йиллик дон етиштириш 1966 — 1970 йилларга нисбатан шу беш йилликда қарийб уч баравар кўпайди ва 1983 йилда 20 миллион тоннадан ошиб кетди, шу жумладан маккажўхори дони 4,5 миллион тоннага етди. Шоли етиштириш 1 миллион тоннадан бултур 2,6 миллион тоннага қадар кўпайди ва аҳолининг шу маҳсулотга бўлган эҳтиёжи амалда тўла қондирилди. Пахтачилик муттасил ривожланиб бормоқда. Кейинги йилларда етиштирилган пахта 1965 йилги 5,7 миллион тонна ўрнига 9 миллион тоннадан ошиб кетди, чунончи етиштирилган ипак пахта қарийб 3 баравар ортди.

Ҳозир пахта ва шолининг ҳаммаси, сабзавотнинг 75 проценти, ҳўл мева ва узумнинг 50 процентга яқини, маккажўхори донининг 40 процентга яқини суғориладиган ерларда етиштирилмоқда.

Мамлакатнинг бир қанча районларида мелиорация ем-хашак етиштиришни муттасил кўпайтириб бориш учун ҳам шарт-шароит яратишга имкон берди. Бултур суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан 37 миллион тоннага яқин ёки 1965 йилга нисбатан қарийб 6 баравар кўп ем-хашак олинди.

Ўртоқлар, Марказий Комитет 1966 йил май Пленуми қарорларини амалга ошириш борасида қилинган ишларнинг қисқача якунлари шундай. Бу ишларга муносиб баҳо бериш билан бирга шу муҳим ишлардаги мавжуд камчиликлардан кўз юмиб ўта олмаймиз.

Янгиланган ерларнинг етарлича самарали эмаслиги қатъиян барҳам беришимиз лозим бўлган жиддий камчилик ҳисобланади. Кўпгина хўжаликларда шу ерлардан ҳанузгача йўл қўйиб бўлмайдиган даражада кам ҳосил олиб келинмоқда.

Партия Марказий Комитети ва ҳукумат озиқ-овқат программасини изчил амалга ошириб бориш манфаатлари йўлида мамлакатдаги мелиорация ишларини ошириш чора-тадбирларини кўриб турибмиз. Уларни амалга ошириш партия, совет ва хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари, қишлоқ хўжалиги олимлари ва мутахассислари, бошқа соҳаларнинг ходимлари актив ишлашини, мелиорация ишларини ривожлантиришнинг етилган масалаларини ҳал этишга янгича ёндашишни талаб қилади.

II. Мелиорация қилинган ерлардан самаралироқ фойдаланайлик

КПСС Марказий Комитети билан ҳукумат мелиорацияга оид программани ишлаб чиқар эканлар, энг аввало мавжуд ерлардан фойдаланишни тубдан яхшилаш, фойдаланилаётган суғорма ва захи қочирилган майдонлардан яқин йилларда ёқ мўл ҳосил олиш, экинзорлар ҳосилдорлигини ошириш заруратини назарда тутдилар.

Айтиб ўтганимдек, лойиҳада белгиланган ҳосилдорликка эришиш учун кураш кўпгина қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги ташкилотлари, колхозлар ва совхозлар фаолиятида ҳали бош вазифа бўлиб қолгани йўқ. Бир қанча жойларда суғорма ерлардаги ҳосилдорлик амалда лалми ерлардан олинаётган ҳосил даражасида бўлмоқда.

Ҳатто барпо этилишига кўп миллионлаб сўм маблағ сарфланган бир қанча йирик суғориш системаларида ҳосилдорлик йўл қўйиб бўлмайдиган даражада пастлигича қолмоқда. Масалан, Катта Волгоград суғориш системасида ўтган йили ҳар гектар ердан лойиҳада кўзда тутилган 38 центнер ўрнига атиги 19 центнердан дон олинди, силос учун маккажўхоридан 400 центнер ўрнига 160 центнердан, кўп йиллик ўтлардан гектаридан 100 центнер ўрнига 69 центнердан ҳосил олинди. Заволжье, Палласовка ва бошқа бир қанча суғориш системаларида ҳам аҳвол худди шундай.

Ҳосилдорликнинг пастлиги, одатдагидек, хўжасизлик, индустриал технологияни, қишлоқ хўжалик экинларининг серҳосил навлари ва гибридларини суст жорий этиш, минерал ўғит ва техникадан яхши фойдаланмаслик, суғорма ерларда экинларни суғоришни қониқарсиз ташкил этиш натижасидир.

РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасида мелиорация қилинган ерлардан фойдаланиш тўғрисида гапириб ўтишни истардим. Кейинги ўн йил давомида бу ерда ерларнинг захини қочириш борасида анчагина ишлар амалга оширилди, катта-катта капитал маблағлар ўзлаштирилди. Зонада мелиорациялаш асосида донли ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олишга, чорвачилик маҳсулдорлигини оширишга эришган кўпгина хўжаликлар бор.

Шу билан бирга биз Ноқоратупроқ зонани ўзлаштиришга оид тадбирларни амалга оширишдаги мавжуд қолоқликни ҳам пайқамай қололмаймиз. Айрим областларда сув хўжалиги қурилишида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда, маданий техникавий ишлар паст суръатларда олиб борилмоқда, тармоқларни ремонт қилиш ўз вақтида ўтказилмаяпти, захи қочирилган майдонларга етарли даражада минерал ва органик ўғит солинмаяпти. Нордон тупроқни оҳаклаш масалалари яхши ҳал этилмаяпти.

Натижада қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва маҳсулот етиштириш суст кўпаймоқда. Хўжаликларнинг бешдан бир қисми донли экинларнинг ҳар гектаридан 12 центнергача ҳосил олмоқда.

Псков, Кострома, Новгород, Калинин, Горький, Иваново ва бошқа бир қанча областларда мелиоратив ҳолати яхшиланган ерлардан дуруст фойдаланилмаяпти. РСФСР Министрлар Совети, область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари, иттифоқ ва республика министрликлари ҳамда агросаноат комплексига кирувчи идоралар ана шу камчиликларни, аввало янгиланган ерлардан фойдаланишдаги камчиликларни бартараф этиш учун барча чораларни кўришлари керак. Шу тариқа Ноқоратупроқ зона хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулоти барча турларини етиштириш юзасидан Озиқ-овқат программасида белгиланган миқдорга эришишни таъминлаш керак. Мелиорация қурилишини ривожлантиришни хўжаликларда материал техника базаси ва социал инфраструктурани мустаҳкамлаш билан боғлаб олиб бориш зарур.

Илгари айтиб ўтилганидек, Ўрта Осиё республикаларида ерларни суғоришга оид катта иш амалга оширилмоқда. Давлат мазкур регионда сув хўжалиги қурилишига ва янги ерларни ўзлаштиришга анчагина маблағ ажратмоқда. Суғориладиган ерлар майдони салкам 7 миллион гектарни ташкил этади. Ана шу майдонларнинг ҳосилдорлиги ҳам ўсмоқда. Бироқ бу ерда ҳам вужудга келтирилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Хўжаликларнинг қарийб бешдан бир қисми гектаридан 20 центнердан кам пахта йиғиштириб олмоқда, колхоз ва совхозларнинг тўртдан бир қисми гектаридан 30 центнергача дон ва ҳар икки хўжаликдан бири 150 центнердан кам сабзавот йиғиштириб олмоқда. Буларнинг ҳаммаси экинзорларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига ҳали етарли даражада эътибор берилмаётганлигидан, деҳқончиликнинг илмий асосланган зонал системалари суст жорий этилаётганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам бу ерда сарфланаётган маблағлар самарадорлигини ошириш соҳасида катта ишларни бажариш зарурдир.

Қишлоқ хўжалик министрлиги, Сув хўжалиги министрлиги, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, маҳаллий партия ва совет органлари суғориладиган ва захи қочирилган ерларда лойиҳада белгиланган ҳосилдорликка эришибгина қолмай, шу билан бирга ундан ошириб ҳосил олишга эришган илғор хўжаликлар, бригада ва звеноларнинг тажрибасини янада кенгроқ ёйиш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари зарур. Мамлакатнинг барча зоналарида ана шундай тажриба мавжуд.

Мисол учун, Херсон область Белозерка районидаги Киров номли колхозни олиб кўрайлик. Колхозда КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Дмитрий Константинович Моторний раислик қилади. Хўжалик илм-фан ва тавсия этган агротехника ва мелиорация тадбирлари бутун комплексини қўлланиш асосида кейинги ўн йил ичида ҳар гектар майдондан ўрта ҳисобда йилига 63 центнер кузги буғдой, 620 центнер силос учун маккажўхори, 117 центнер беда пичани ва 400 центнер кўп ем-хашак йиғиштириб олди.

Яна бошқа бир мисол. Қрим область Нижнегорск районидаги Крупская номли колхозда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентин Иванович Черфас раислик қилади. Хўжалик илм-фан ва илғор тажриба ютуқларини актив жорий этиб, йил сайин суғорма майдонларда дон етиштиришни кўпайтирмоқда. Агар еттинчи беш йилликда бу ерда ҳар гектар майдондан 18 центнердан дон олинган бўлса, саккизинчи беш йилликда 34 центнер, тўққизинчи беш йилликда 42 центнер, ўнинчи беш йилликда 54 центнердан, ўн биринчи беш йилликнинг уч йили давомида эса гектаридан 57 центнердан дон йиғиштириб олди.

Ўртоқлар, бу — ажойиб меҳнат намуналаридир. Суғорма ерларда иш олиб бораётган барча колхоз ва совхозлар ана шу хўжаликларга тенглашишлари керак. Барча колхоз ва совхозларни илғорлар даражасига олиб чиқиш (ҳозирги вақтда ҳамма жойда шундай имкониятлар бор) қўшимча равишда мамлакатга зарур бўлган катта миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотини олиш демакдир.

Программада мелиорация қилинган ерлардан фойдаланишни яхшилаш вазифаси қўйилган. Шу беш йилликда турли сабабларга кўра мамлакатда йилига ўрта ҳисобда бир ярим миллион гектардан ортиқ суғориладиган ердан фойдаланилмаган ва бу ерлар сув билан таъминланмаган. Мелиорация қилинган анчагина майдонлар сифат жиҳатидан яхшилашга, суғориш ва қуритиш системалари реконструкция қилишга муҳтождир. Ҳар бир гектар суғориладиган ва захи қочирилган ер дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришга тўла хизмат қилиши учун ана шу ишларни амалга оширишни жадаллаштириш лозим. Бизда тубдан ва қисман яхшиланишни талаб қилаётган табиий ўтлоқлар ва яйловлар анчагина. Бу ишлар унча қимматга тушмайди, бажарилиши ҳам қийин эмас ва айни вақтда ғоят самаралидир. Бундай ишлар ўтлоқлар ҳосилдорлигини 1,5—2 баравар ошириш имконини беради. Узоқ муддатли программада маданий-техникавий ишлар ҳажмини анча кўпайтириш белгиланади. Ўн иккинчи беш йилликда 8 миллион гектардан ортиқ майдонда ана шундай ишлар амалга оширилади. Бунинг учун сув хўжалиги ташкилотларининггина эмас, шу билан бирга сельхозтехника, сельхозхимия корхоналари ҳамда колхоз ва совхозларнинг ўз имкониятларидан фойдаланилиши зарур.

Экин майдонларининг структураси ҳам такомиллаштиришга муҳтождир. Суғориладиган ерларнинг анча қисмини дон учун маккажўхори экишга ажратиш керак. Ўтган йили суғориладиган майдонларнинг атиги 6 процентига маккажўхори экилди. Бу жуда кам. Энг аввало Россиянинг жанубий ва жануби-шарқий районларида, Украина ва Молдавияда дон учун маккажўхори экиладиган майдонларни кенгайтириш имконияти мавжуд. Ўрта Осиё, Қозоғистон, Закавказье республикалари хўжаликларида суғориладиган ерларда маккажўхори етиштиришни анча ривожлантириш зарур.

Мамлакатнинг ҳар бир регионида таҳлил асосида экинларнинг энг мақбул структурасини белгилаб қўйиш керак.

Программада донли ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва ялпи ҳосилини кўпайтириш мақсадида индустриал технологияларни жорий этишни ва қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилишнинг программалаштирилган усулига ўтишни жадаллаштириш кўзда тутилади.

Такрорий, анғиз, оралиқ ва аралаш экинлардан янада кенгроқ фойдаланишни таъминлаш зарур. Ҳозирги пайтда ана шу экинлар 500 минг гектардан сал ортиқроқ майдонга ёки суғориладиган майдонларнинг 3,5 процентига эқилган. Бундай экинлар майдонини Ўрта Осиё хўжаликларида, РСФСРнинг жанубий областларида, Украина, Грузия, Озарбайжон, Молдавияда анча кўпайтириш мумкин. Ана шу резервдан янада тўлароқ фойдаланиш ем-хашак ва ёрма экинлар етиштиришни анча кўпайтириш имконини беради.

Маълумки суғориладиган ва захи қочирилган ерлар ўғитни айниқса ёқтиради. Бироқ ҳосилдорликни оширишнинг бундай омилидан ҳали тўла даражада фойдаланилмаяпти. Ўтган йили ҳар бир гектар суғориладиган ерга атиги 250 килограмм ўғит солинганлиги билан қаноатланиб бўлмайди. Бу эса нормада талаб қилинганидан 25-30 процент оз. Захи қочирилган ерларга кам ўғит солинмоқда. Айни вақтда республикалар ва областлар ихтиёрида бўлган ресурслар суғориладиган ва захи қочирилган ерларни минерал ўғит билан тўла таъминлаш имконини беради.

Ўғит етишмайди, деб ҳар қандай баҳоналар топишга чек қўйиш керак, ўртоқлар. Биз яхшиланган ерларни тўлиқ нормада минерал ва органик ўғит билан таъминлашимиз зарур ва таъминлай оламиз. Агрохимия хизматини, илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини жиддий даражада яхшилашимиз, хўжаликлар раҳбарлари ва мутахассисларининг минерал ва органик ўғитлардан, шунингдек ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан тўғри фойдаланиш ва уларнинг юксак самара бериши учун масъулиятини оширишимиз лозим.

Кичик қўламда суғориш негизида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва ялпи ҳосилини оширишнинг каттагина резервлари вужудга келтирилди. Практика шуни кўрсатадики, маҳаллий сув оқимидан ва ер ости сувларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига қўшимча равишда анчагина қишлоқ хўжалик майдонларини суғориш мумкин. Шимолий Кавказ, Поволжье, Қозоғистон, Озарбайжон ва бошқа республикаларнинг хўжаликларида ерларни суғориш учун кичик-кичик ҳовузлар ва сув омборлари қуриш тажрибаси кенг ёйишга лойиқдир. Донецк областининг Марьинск районида маҳаллий сув оқими ва ер ости манбаларидан фойдаланиш йўли билан 15 минг гектарга яқин ер суғорилмоқда. Район ана шу майдондан мўл сабзавот ва озуқа экинлари йиғиштириб олмоқда. Бизлар лиман усулида суғоришдан ҳам тўлароқ фойдаланишимиз лозим. Суғоришнинг бундай усули ем-хашак етиштиришни кўпайтиришнинг катта резервидир.

Бизлар вужудга келтирилган мелиорация фондидан фойдаланиш тўғрисида гапирар эканмиз, бугун Сув хўжалиги министрлиги, Қишлоқ хўжалик министрлиги ҳамда Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги шаънига жиддий танқидий мулоҳазалар билдиришимиз керак. Васильев, Месяц, Козлов ўртоқлар давлат аҳратиб бераётган катта-катта молиявий ва моддий ресурслар юксак самара бериши учун янада қатъият ва зўр ғайрат билан кураш олиб боришлари, ҳар қандай хўжасизлик фактларининг пайини қатъият билан қирқишлари зарур. Ерларни мелиорациялашни янада ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш программасида ўртага қўйилган вазифалар мазкур министрликларнинг ташкилотчилик ишларини яхшилашни, уларнинг топширилган иш участкаси учун, партия ва ҳукумат қарорлари бажарилиши учун юксак масъулият билан ишлашини талаб қилади.

Мелиорация қилинган ерлар ҳосилдорлигини янада ошириш ва программада белгиланган марраларга эришиш учун қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органлари, хўжаликлар ва ерлардан фойдаланиш хизматининг ўзаро муносабатини такомиллаштириш зарур.

Ҳозирги вақтда бизда қандай аҳвол вужудга келган? Айтиб ўтганидек, давлат ҳар йили сув хўжалиги қурилишига, маданий техникавий ишлар ўтказишга жуда катта молиявий ва моддий ресурслар ажратмоқда. Ҳар бир гектар суғориладиган ерни фойдаланишга топшириш уни ўзлаштириш учун сарфланган харажатлар билан бирга ўрта ҳисобда қарийб 5 минг сўмга тушади. Айни вақтда қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ташкилотларининг, колхозлар ва совхозларнинг ана шу ерлардан фойдаланиш учун масъулияти камайтирилган. Бу нимага олиб келишини биз яхши биламиз. Ҳар йили ўн минглаб гектар суғориладиган ва захи қочирилган ерлар фойдаланилмай қолмоқда. Ана шу ерларнинг анча қисми яроқсиз бўлиб қолмоқда. Бу ерларни яроқли қилиш учун қўп маблағ ва материал ресурслари сарфлашга тўғри келади, бу эса, табиийки, маҳсулот таннархининг ўсишига олиб боради.

Хўжаликлар ва меҳнат коллективларининг раҳбарлари мелиорация қилинган ерлардан самарали фойдаланиш учун иқтисодий ва маънавий жиҳатдан масъул ҳамда манфаатдор бўлишларини кучайтириш масаласини турмушнинг ўзи ўртага қўймоқда. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан фойдаланиш борасида колхоз ва совхозлар, сув хўжалиги ташкилотлари, ердан фойдаланувчилар ва район агросаноат бирлашмалари ўртасида аниқ шартнома мажбуриятлари бўлиши кераклигини мақбул, деб топдилар.

Сув хўжалиги ташкилотлари, сельхозхимия ва сельхозтехника корхоналари мелиорация системалари билан суғориш машина-ускуналаринини тузук ҳолатда сақлашни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига олиб, минерал ўғит ва ўсимликни ҳимоя этиш воситаларини энг мақбул муддатларда ва зарур миқдорда солиб туришлари кераклиги кўзда тутилади.

Хўжаликлар эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан белгиланган муддатда планда, сўнгра эса лойиҳада кўрсатилган ҳосилдорликка эришишни таъминлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг тегишли

МАМЛАКАТ ОЗИҚ-ОВҚАТ ФОНДИНИ МУТТАСИЛ ОШИРИБ БОРИШ МАҚСАДИДА УЗОҚ МУДДАТЛИ МЕЛИОРАЦИЯ ПРОГРАММАСИ, МЕЛИОРАЦИЯ ҚИЛИНГАН ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши иккинчи бетда).

да фойдаланишга топши- и учун, уларни ремонт лиш ва керакли тартибда қлаш учун масъулияти ирилишини тақозо этади.

Мелиорация қилинган ер- рда ишлайдиган барча ма- налар ремонти, уларни лаш ва уларнинг бошқа матларини Госкомсельхоз- ника бутунлай ва тамоми- ўз зиммасига олиши Фрегат» ва «Кубань» ём- лаш машиналари бундан нсно бўлиб ,уларнинг хиз- ини Кемасозлик саноати нистрлигининг ўзи бажара-

Союзсельхозхимия эса гиланган нормаларга тў- мувофиқ равишда мине ўғит, оҳак материал ва нни ҳимоя қилувчи бошқа италарни етказиб бериши уларни энг мақбул муд- ларда солишни таъмин- ш керак.

Қишлоқ хўжалиги ми- трлиги колхоз ва совхоз- ўз ихтиёрларида бўлган иорация қилинган ерлар- самарали фойдаланили- серҳосил экин навлари лиши, машина-ускуналар- унумли фойдаланиш, ин- триал технологиялар, натни ташкил этиш илғор одлари ва формаларини жорий этиш, ҳосилдорликни ошириш билан, шу жумладан маҳсулот таннархини арзонлаштириш билан боғлиқ барча тадбирлар амалга оширилиши учун жавобгар бўлишлари лозим.

Бундан буён Сув хўжалиги министрлиги, Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Сельхозтехника барча ташкилотларининг, колхоз ва совхозлар, хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг, колхозчилар ва ишчиларнинг ишига пировард натижа — барқарор мўл ҳосил олиш, меҳнат унумдорлигини муттасил ўстириб бориш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга қараб баҳо берилади. Суғориладиган ва захи қочирилган ерларнинг юксак самарадорлигига эришган коллективлар ва ходимлар меҳнатга кўпроқ ҳақ оладилар ва улар тегишли йўсинда моддий жиҳатдан рағбатлантириладилар.

Ерларни мелиорациялаш борасида белгиланган планларни амалга ошириш миллион-миллион кишиларнинг куч-ғайратларини талаб қилади. Ишлаб чиқариш коллективларининг ташаббуслари ва ишчанлигини ҳамма чоралар билан ривожлантириш ҳамда рағбатлантириш зарур. Ҳозирги вақтда ташкилий ишлар маркази бевосита коллективларга — звенолар, бригадалар, участкалар, бўлимлар ва фермаларга ўтказилмоғи лозим. Ишларни шундай ташкил этиш керакки, улар шу йилгина эмас, келаси йил ҳам яхши ҳосил олишдан моддий манфаатдор бўлсинлар. Коллектив пудратдан, меҳнатга аккорд-мукофот системаси билан ҳақ тўлаш, хўжалик ички ҳисоби, корхоналарда бўлган рағбатлантириш фондлари ҳамда план-экономика механизмининг бошқа воситаларидан моҳирона фойдаланиш зарур.

Ер ва машиналар камида бир ҳосилдан иккинчи ҳосилга қадар доимий коллективларга биркитиб қўйилмоғи муҳим. Совхоз дирекциялари ва колхозларнинг правлениелари пудратчи звенолар ва бригадаларга сифатли уруғлик, ўғит, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, машина-ускуналар бериши гарантияланмоғи, шунингдек белгиланган ҳосилни ҳисобга олиб сув билан ўз вақтида таъминлаб туриши лозим.

Ҳозир коллектив пудрат билан ишлаш тобора кенг ёйилмоқда. Ставрополь ўлкаси ва Саратов областидаги суғориладиган ерларнинг ҳаммаси коллектив пудрат методи асосида ишлайдиган бригадалар ва звеноларга биркитиб қўйилган. Бу эса яхши натижалар бермоқда. Аммо бир қанча областларда, масалан, Ульянов, Куйбишев, Рязань, Николаев, Брянск областларида мелиорация қилинган ерларда меҳнатни ташкил этишнинг шу илғор формаси ҳали кенг ёйилганича йўқ. Бу ерларда коллектив пудратнинг ҳурмати йўқ. Суғориладиган ва захи қочирилган ерларда ишлайдиган ҳамма бригадалар ва звеноларда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг ўзини оқлаган шу формасини ғайрат билан жорий этиш керак. Маҳаллий партия ва совет органлари, Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва хўжаликларнинг раҳбарлари шу ҳақда биринчи навбатда қайғуришлари лозим.

Озиқ-овқат фондини муттасил кўпайтириб бориш мақсадида мелиорация қилинган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш — барча партия, совет ва хўжалик органларининг, колхоз ва совхозлар меҳнат коллективларининг биринчи даражали муҳим ишидир.

III. Мелиорация қурилиши даражасини оширайлик

Программада сув хўжали- қурилиши кўламларини ғайтириб, уни ташкил ш ишларини такомиллаш- иб бориш кўзда тутилади. 000 йилгача суғориладиган ер майдонларини 30—32 лион гектаргача, захи қо- илган ер майдонларини— —21 миллион гектаргача зиш мўлжалланади.

оссия Федерациясида ме- рация қилинган ерлар донини икки баравар кў- тириб, 18—19,5 милли- гектаргача етказиш кўз- тутилади. Шимолий Кав- ва Қуйи Поволжьенинг ориладиган ерларида то- маккажўхори дони штириладиган катта-катта аларни барпо этиш, шу- гдек Астрахань ва Вол- ад областларида иссиқ- р эртанги сабзавот ва ун-тарвуз етиштирадиган аликларни ташкил этиш- давом эттириш кўзда ту- ади.

ибирь ва Узоқ Шарқда иорацияни ривожланти- да янги қадам қўйила- Олтой ўлкасида Алей ва лин суғориш системала- урилишини ҳамда Иртиш сида гидроузель ва сув ри бўлган жанубий к суғориш системаси қу- шини битказиш мўл- ланади. Кўп йиллик ўт соя майдонларини кен- ириш ҳисобига чорвачи- нг ем-хашакка ва ши- озуқага бўлган эҳти- ни янада тўлароқ таъ- лаш учун зарур шарт- оитлар вужудга келти- ди.

краина ССРда суғори- ган ерлар майдонини 4,2 миллион гектаргача захи қочирилган ерлар донини 3,9—4 миллион аргача етказиш кўзда лади. Каховка, Перво- к, Серогоз, Дунай-Днестр Азов бўйи суғориш сис- ларини қуриш давом рилади, Шимолий Қрим ли зонасида суғориладиган янги ерларни фойдала- га топшириш таъминла- , Украина Полесьесида арчилиги кўп ерларни штириш борасидаги би- и навбатда турган иш- ниҳоясига етказилади.

елоруссия ССРда ме- рация қилинган ерлар дони 3,3—3,6 миллион аргача кўпаяди. Полесье текислигидаги ер- ни асосан ўзлаштириб ш мўлжалланади. Рес- икада сув-ҳаво режими н икки томонлама ме- рация қилинадиган ер- майдони анча кўпайти- моғи лозим.

збекистон ССРда суғо- адиган ерлар майдонини 5,5 миллион гектаргача зиш мўлжалланади. жуд суғориладиган ер- инг мелиоратив ҳолати- яхшилаш, Қарши ва зах чўлларини, Қоровул- р ва Қизил суғориш ивларини комплекс ра- да ўзлаштириш бораси- ҳам кўп ишлар бажари- н лозим.

озоғистон ССРда суғо- майдонларини 3—3,5 лион гектаргача етказиш, риш системаларини ре- трукция қилиш, Оқ да- ва Тошўткул массивла- и суғориш ва ўзлаштириш да Иртиш — Қарағанда али базасида суғориш емаларини қуриш бора- аги ишларни ниҳоясига азиш кўзда тутилади.

арча иттифоқдош рес- ликаларда мелиорация ларини ривожлантириш деҳқончилик қилиш учун н майдонларни топши- , каналлар қуриш, ме- рация системаларини ре- струкция қилиш давом рилади.

н иккинчи беш йиллик иорация қурилишини ғайтиришда муҳим бир кич бўлиб қолмоғи ке-

Шу давр ичида суғориладиган ва захи қочирилган 7 миллион гектар янги ер фойдаланишга топширилиши, мавжуд суғориш системаларининг ҳолати яхшиланиши, катта майдонларда маданий-техника ишлари бажарилиши, қишлоқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган бир неча минг километр магистрал водопровод қурилиши ва реконструкция қилиниши лозим. Шу мақсаддаги ишларнинг ҳаммасига 1984 йил 1 январидаги нарх билан 50 миллиард сўмдан кўп, яъни шу беш йилликда ўзлаштирилиши кутилаётганидан 6 миллиард сўм кўп капитал маблағ ажратиш кўзда тутилади.

Ерларни суғориш борасидаги топшириқларни бажариш 1986—2000 йилларда сув ресурсларини территориялар бўйича қайта тақсимлаш борасида катта-катта тадбирлар амалга оширилишини тақозо этади.

Программада шимолий дарё ва кўллар сувининг бир қисмини Волга ҳавзасига йилига 5,8 куб километр ҳажмда ташлаш, биринчи босқич объектларини қуриб битказиш, Волга сувини Дон, Кубань ва Терек дарёларининг ҳавзаларига юбориш учун Волга—Дон, Ростов— Краснодар, Волга — Чограй каналларини қуриб битказиш назарда тутилади. Мана шу тадбирлар амалга оширилса, Қуйи Поволжье билан Шимолий Кавказда суғориладиган янги катта-катта массивлар барпо этиш мумкин бўлади. Украинанинг жануби ва Молдавияни сувга сероб қилиш учун Днепр —Буг лиманида қурилаётган гидроузелни битказиш, Дунай—Днепр, Дунай канали—Ниспорени сув хўжалиги комплексини қура бошлаш мўлжалланади.

Яқин фурсатда Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Урал ва Ғарбий Сибирь, Ўрта Осиё ва Қозоғистон районларига ташлаш борасидаги лойиҳа ишлари битказилмоғи лозим. Шу лойиҳа билан алоқадор объектларни қуриш муддатларига келганда улар—лойиҳа ишлаб чиқилиб тасдиқланганидан сўнг муҳокама қилиниши лозим.

Катта мелиорация программаси, белгиланган ишларнинг мураккаб ва қийинлиги мелиорация қурилиши ишларини ташкил этиш қатъиян яхшиланишини, бу ишлар индустриялаш даражаси кўтарилишини, ишлаб чиқариш базаси янада мустаҳкамланишини тақозо этади.

Мамлакатда сув хўжалиги ташкилотларини зарур ҳамма нарсалар билан таъминлаш учун кўп ишлар қилинди. Эндиликда Сув хўжалиги министрлигининг кучли ишлаб чиқариш техника базаси бор. Мелиорацияда ишлаётганлар сони ҳозир 1,7 миллион кишига боради. Главсредволговодстрой, Главполесьеводстрой, Укрводстрой, «Ленмелиорация» бирлашмаси мелиораторларининг коллективлари муносиб обрў орттирдилар. Улар кўпдан-кўп ишларни бажармоқдалар, илғор иш методларини жорий этмоқдалар.

Аммо сув хўжалиги қурилишида ҳали камчиликлар ва фойдаланилмаётган резервлар оз эмас. Мелиорация ишларига ажратилаётган капитал маблағлар кўп жиҳатдан қурилиш ташкилотларининг айби билан ҳам тўла-тўкис ишлатилмаётир.

Грузия ССР, Молдавия ССР, Россия Федерацияси, Қозоғистоннинг бир қанча областлари ерларни мелиорация қилиш планларини муттасил бажармай келмоқда. СССР Сув хўжалиги министрлигининг кўпгина иттифоқ қурилиш бош бошқармалари қониқарсиз ишламоқда. Пудрат асосида жалб этилган Қурилиш министрлиги, Энергетика министрлиги, Қишлоқ қурилиши министрлиги ва бошқа қурилиш министрликлари ҳам белгиланган топшириқларни бажаришда анча орқада қолмоқдалар.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР министрликлари ва идораларининг раҳбарлари мелиорация қурилишларига бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириб, бу қурилишлар ўз вақтида фойдаланишга топширилишига жуда муҳим давлат вазифаси, деб қарашлари керак.

Сув хўжалиги министрлигининг корхоналари ва қурилиш ташкилотларида материал ҳамда ёқилғи-энергетика ресурслари ортиқча сарф бўлиб кетишига йўл қўйилмоқда, исрофгарчилик ва ишлаб чиқаришга алоқасиз сарф-харажатлар катта. Бултур қурилиш ташкилотларида иш вақтининг бекор кетиши миллион киши кунига яқинлашди. 1983 йилда ташкилотларнинг 40 процентдан кўпи ишларнинг пландаги таннархини қимматлаштириб юборди. Кўпгина қурилиш ташкилотларида меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириқлари бажарилмаяпти, иш ҳақининг ўсиш суръатлари эса меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатларидан устун келмоқда.

Тармоқда чала қурилишлар ҳажмини камайтириш суст, ўрнатилмаган машина-ускуналарнинг нормадан ортиқча запаси кўпайиб кетмоқда, капитал маблағларни сочиб юбориш давом этмоқда, сув хўжалиги объектлари узоқ муддат қурилмоқда. Масалан, Қозоғистон ССР Чимкент областида Қизилқум чўли ерларини суғориш биринчи навбатидаги объектларни фойдаланишга топшириш муддатлари (смета нархи 307 миллион сўм) 1965 йилдан бери 7 марта ўзгартирилди. Шу системада қурилиш ишларини энди 1976 йил ўрнига 1985 йилга борибгина битказиш ваъда қилинмоқда.

Сув хўжалиги министрлиги ерларни комплекс равишда ўзлаштириш билан боғлиқ объектларни кечиктириб битказишига қатъиян барҳам бериш керак. Мелиорация қилинган ерларни ўзлаштираётган совхозларда ишлаб чиқаришга зарур бўлган ва зарур бўлмаган объектларни қуриш планлари у беш йилликдан бу беш йилликка судралмоқда. Шу объектларда жалб этилган пудратчи қурилиш министрликлари ҳам қониқарли ишламаяпти. Натижада мелиорация системаларини қуришга сарфланган маблағлар ўз вақтида тегишли самара бермаяпти.

Бир қанча мелиоратив системаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларида қўпол хатоликларга йўл қўйилаётганлигини алоҳида айтиб ўтиш лозим.

Сув хўжалиги министрлиги системасида 170 тадан кўп ташкилотда жами 68 минг киши лойиҳа тузиш билан шуғулланаётган бўлса-да, уларнинг ишлари тегишлича тартибга солинмаган, кўпинча сув хўжалиги қурилиши планлари билан боғланмаган.

Лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун жуда узоқ вақт сарфланганлигидан кўпинча ҳужжатлар маънавий эскириб қолмоқда, уни тузиш учун қилинган харажатлар эса зое кетмоқда.

Мелиорация объектлари қурилишини бажаришда қурилиш-монтаж ишлари сифати ҳамиша ҳам кўнгилдагидек сифатли эмаслигини ҳам айтиб ўтиш лозим. СССР Госстройи ўнинчи беш йилликда ва шу беш йилликда 2670 объектни танлаб олиб, қурилиш нормалари ва қоидаларига нечоғли риоя этилганлигини тафтиш қилиб кўрди. Шунда бу объектларнинг 64 процентдан кўпи лойиҳа ва норма ҳужжатларининг талабларидан анча чекиниб қурилганлиги маълум бўлди.

Мисол учун. Одесса областидаги 20 минг гектар майдони бўлган катта Дунай-Днестр суғориш системасида қурилиш ишлари сифати пастлигидан системани уч ярим йил ишлатиш мобайнида хўжалик ички суғориш тармоқларининг қувурлари 1700 мартадан кўп тешилди. Бу ҳали у ёқда турсин, лойиҳачилар ҳисобда қўпол хатоликларга йўл қўйганликлари сабабидан Сассиқ кўлининг шўр суви тузук тозаланмай, минералланиш даражаси баланд бўлгани ҳолда суғориладиган далаларга чиқазиб юборила берган. Натижада суғориладиган ерларда тупроқнинг ҳайдаладиган қатламиқ ғоят ёмонлашиб, структурасини йўқотди. Бу ердаги колхоз ва совхозларнинг экиндан олаётган ҳосили лойиҳада кўзда тутилганидан икки баравар кам, ҳаттоки лалми ерлардагидан ҳам кам.

Кишини ғазаблантирадиган фактлар. Давлат маблағларини шунчалик исроф қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Украина ташкилотлари бу ишни текшириб чиқиб, айбдорларни қаттиқ жазолашлари керак.

Госплан, Госстрой ва Молия министрлиги Сув хўжалиги министрлиги ва қишлоқ хўжалик министрлиги билан биргаликда сув хўжалиги объектларини лойиҳалаш ва уларнинг қурилишини пул билан таъминлашга алоқадор жамики масалаларни кўриб чиқишлари зарур. Бу ишда тегишлича тартиб ўрнатмоқ, тасдиқланган лойиҳалардан четлашишга, шунингдек, сметада кўзда тутилганига нисбатан ортиқча маблағ сарф бўлишига сира ҳам йўл қўймаслик керак. Катта-катта сув хўжалиги объектларини ўлка ва область ташкилотлари вакилларининг бевосита иштирокида қабул қилиб олиш ва тегишли актларни расмийлаштириш тартибига оғишмай амал қилиш зарур.

Сув хўжалиги министрлиги белгиланган топшириқлар бажарилиши, мелиорация системаларини қуриш илғор технологияларини ўзлаштириш таъминланиши ҳамда совхозлар қисқа муддатда ғоят сифатли қилиб қурилиши учун қурилиш ташкилотларининг жавобгарлигини ошириши, қурилаётган ва лойиҳаланаётган объектларнинг техникавий даражасини ошириши лозим.

Сув хўжалиги министрлигининг қурилиш ташкилотларида бригада пудрати янада кенг ёйилмоғи лозим. Бултур хўжалик ҳисобидаги бригадалар жами бригадаларнинг атиги салкам 40 процентини ташкил этди, холос.

Хуллас, ўртоқлар, барча мелиорация қурилишларимизда намунали тартиб бўлмоғи даркор. Бунинг учун ишни лойиҳалардан бошлаш керак. Сув хўжалиги қурилиши лойиҳалари - ва сметаларини Сув хўжалиги министрлиги билан Қишлоқ хўжалик министрлиги шу қурилишлар аталган республика, ўлка ва область ташкилотларининг вакиллари билан, зарур ҳолларда эса Госстрой билан ҳам келишиб олган ҳолда тасдиқламоғи лозим. Қурилиш харажатлари сметага қатъий мувофиқ келиши керак. Меҳнатни юксак даражада ташкил этиш ва илғор ечимларни қўлланиш ҳисобига сметага нисбатан тежалган пулни (фойда сифатида) сув хўжалиги қурилиш ташкилотларининг ихтиёрида қолдириш тўғри бўлур эди.

Ерларни яхшилаш ва сув ташлашга катта-катта капитал маблағларни сарфлаётиб, бунда биз ер ва сувнинг сақланиб қолишига ва ундан оқилона фойдаланишга эътиборни сусайтирмаслигимиз керак.

Мисол учун экинзорларни асраш масаласини олиб кўрайлик. Маълумки мамлакатимизнинг аҳолиси муттасил кўпайиб бормоқда, бир кишига ҳисоблаганда экинзор миқдори эса йилдан-йилга камайиб бормоқда. Аммо бу нарса аҳоли сони ўсиши туфайлигина эмас, шу билан бирга ернинг қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқарилиши натижасида ҳам рўй бермоқда.

Ернинг қишлоқ хўжалиги оборотидан ажратиб олинишини тақиқлаш ҳамда бошқа эҳтиёжлар учун ер ажратишни чеклаш керак, деб ўйлаймиз. Мавжуд ер қонунларига сўзсиз риоя этиш зарур. Деҳқончиликка алоқасиз мақсадлар учун ғоятда зарур ҳоллардагина ер ажратилиши мумкин. Бунга фақат республика ҳукумати рухсат беради. Шунда ҳам у буни СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги билан келишиб олади.

Сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ҳам худди шу гапларни айтиш мумкин. Мамлакатимиз бундай ресурсларга бой бўлса-да, бу гап сувни исроф қилавериш мумкин, деган маънони билдирмайди. Бултур сувнинг чиқадиган жойидан истеъмолчи хўжаликларгача етиб боргунча исроф бўлиши 43 кубокилометрга етди ёки 21 процент бўлди. Хўжаликларнинг ўзида ҳам, айниқса Ўрта Осиё республикаларида сув кўп исроф бўлмоқда. Сувни янада тежаб сарфлаш ҳамда унинг исроф бўлишини камайтириш мақсадида сувни бетига плита ётқизилган каналлар ва ёпиқ системалар орқали оқизишга қатъий ўтиш, янада илғор суғориш усулларини кенгроқ кўламда жорий этиш, шунингдек хўжаликларнинг сувдан фойдаланганлик учун моддий масъулиятини ошириш зарур.

IV. Фан ва техника ютуқларини активроқ жорий этайлик

Ўртоқлар!

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, илғор тажрибани жорий қилиш мелиорация самарадорлигини оширишнинг, меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг энг муҳим омилидир.

Бу соҳада ҳозирнинг ўзидаёқ муайян ютуқларимиз бор. Мамлакатимиз саноати мелиорация техникаси ва машина-ускуналарининг кўпгина турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирган. Программада сув хўжалиги қурилишининг эҳтиёжлари, суғориш ва қуритиш системаларини ишлатиш, ерларни маданийлаштириш ишларини ўтказиш учун зарур техника ишлаб чиқариш ва етказиб беришни янада кўпайтириш кўзда тутилган.

Бироқ очиғини айтганда, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини мелиорацияга жорий қилиш ишида ҳамма нарса кўнгилдагидек эмас. Суғорма ерларнинг деярли учдан икки қисми сиртдан суғорилмоқда. Бу иш белкурак, кетмон ёрдамида қилинмоқда. Бу ишларда ўн минглаб кишилар банд бўлиб турибди. Ҳали кўпгина ёмғирлатиш агрегатлари паст техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар билан ишлаб чиқарилмоқда. Бир талай эскирган машина-механизмлар ишлатиш учун юборилмоқда.

Олимлар, конструкторлар ва практикларнинг куч-ғайратлари илғор суғориш усулларини тезроқ жорий қилишга, юксак самарали, кенг қамровли ёмғирлатиш машиналаридан фойдаланишга, томчилатиб суғоришни қўлланишга, энергия ва ресурсларни тежайдиган технологияларни кенг жорий этишни таъминлайдиган машина ва ускуналар яратишга қаратилиши керак.

Мелиорация ишларини комплекс механизациялаш учун керакли машиналар, системалар яратилишини жадаллаштириш лозим. Бунинг учун талаб қилинадиган 673 хил машинадан атиги 349 хили ишлаб чиқарилмоқда. 235 таси эса энди яратилиши керак. Жумладан, Қурилиш, Йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги 59 хил, Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги 35 хил ва бошқа машинасозлик министрликлари 141 хил машина яратишлари лозим.

Масалан, шолини олиб кўрайлик, уни етиштириш учун биз яхшигина инженерлик системаларини яратдик, аммо бу ерларда асосан лалми деҳқончилик техникаси ишлатилмоқда. Таранди принципи асосида ишлайдиган, секундига 10—12 килограмм унумдорликка эга бўлган, шолипоядан бир ўтишда ҳосилни ўриб, ҳеч нобуд қилмай янчиб бера оладиган шоли ўриш комбайнлари яратишни тезлаштириш керак. Жуда яқин вақт ичида шу тармоқни комплекс механизациялаш учун шоличиликни керакли махсус машиналар билан таъминлаш лозим.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг 1981 йил майида қабул қилинган қарорида 1983 йилда шлангали ёмғирлатиш машиналарини кўплаб ишлаб чиқаришни ташкил қилиш кўзда тутилган эди. Москвада уюштирилган халқаро виставкаларда мана шу суғориш машиналарини кўпларингиз кўргансиз. Бунинг ҳеч бир мураккаб жойи йўқ. Мутахассислар чорвачилик комплекслари ҳузуридаги чоғроқ участкаларни суғориш учун бу машина, айниқса кераклигини айтмоқдалар. Бу машиналарни ишлаб чиқариш Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг Котельников заводига топширилган. Бироқ 1984 йил тугаб боряпти-ю, шлангали ёмғирлатиш машинасини кўплаб ишлаб чиқаришга ҳамон киришилгани йўқ.

Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлигида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Бу министрлик йил сайин сув хўжалиги ташкилотларига кўп чўмичли экскаваторлар, виброформалар ва бошқа махсус машиналар етказиб бериш планларини бажармаяпти. Чўмичининг ҳажми 25 кубометр келадиган прицепли скрепер ишлаб чиқариш ташкил этилмаган. Министрлар Ежевский ва Чудин ўртоқлар бу иш билан тузукроқ шуғулланиб, муҳим топшириқларни бажариш чораларини кўришлари лозим эди.

Техниканинг сифати ҳақида алоҳида гапириб ўтиш керак. Кемасозлик саноати министрлиги умуман мелиорация техникаси ишлаб чиқариш соҳасида кўп иш қилмоқда. Шу министрлик етказиб бераётган «Фрегат» ёмғирлатиш машиналари яхши натижалар билан ишламоқда, «Кубань» деган янги серунум машинани ишлаб чиқариш уюштирилди. Бироқ бу агрегатларнинг дастлабки туркумлари конструктив нуқсонлар билан ишлаб чиқарилди. Уларнинг нархи эса қиммат, «Кубань» ёмғирлатиш машиналарини ишлатишни ташкил этишда камчиликлар бор. Натижада кўп миқдордаги машиналар бекор туриб қолмоқда.

Кемасозлик саноати министрлиги (ўртоқ Белоусов), Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги (ўртоқ Васильев) ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари 1985 йилнинг суғориш мавсуми бошлангунча аниқланган камчиликларни тугатиб, бундан буён шу техниканинг пухта ишлашини таъминлашлари зарур.

Программада 1984—1990 йилларда ерларни мелиорациялаш ишларини бажариш учун керакли машина ва ускуналарни яратиш ҳамда уларни кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштириш топшириқлари кўзда тутилган. Уларнинг конструкцияларини ишлаб чиқиш, тажриба нусхаларини синовдан ўтказиш, уларнинг дастлабки саноат туркумини тайёрлашни ташкил қилиш ҳамда мелиорация ишларини бажариш учун бениҳоя зарур бўлган техникани ишлаб чиқаришга киришиш мўлжалланмоқда.

Полимер қувурлар, тик ва ётиқ марказдан қочирма насосларнинг абразивга чидамли нусхаларини, кенг жабҳа бўйлаб ҳаракат қиладиган ёмғирлатиш машиналарини, шлангали автомат суғориш машиналарини тайёрлаш учун технология линияларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва уларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш керак. Гидростатика босими принципида ишлайдиган сув сатҳини кўрсатувчи датчикларни, ер қазувчи машиналарни лазер усулида бошқарадиган унификация қилинган системаларни, шунингдек автоматлаштириш ва телемеханика воситаларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Бу топшириқларни бажариш устида Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги, Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги, Химия машинасозлиги министрлиги, Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқариш системалари министрлиги, Кемасозлик саноати министрлиги, Электрон саноати министрлиги ва бошқа бир қанча министрликлар корхоналарининг коллективлари кўп меҳнат қилишларига тўғри келади.

Мелиорация қурилишида фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиш керак. Жумладан, пластмассадан қувурлар қуришга ўтиш, уларнинг пухталигини ошириш, дренаж ўтказишнинг траншеясиз усулини жорий қилиш лозим.

Химия, нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрликлари корхоналари коллективларининг ҳозирги бурчи минерал ўғит, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан, уларнинг сифатини оширишдангина иборат бўлиб қолмай, шу билан бирга полимер материаллар ишлаб чиқаришни кенг миқёсларда тезроқ ўзлаштиришдан ҳам иборат. Шу асосда 1990 йилга борганда Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг корхоналаридагина пласт масса қувурлар ишлаб чиқаришни йилига 180 минг тоннага етказиш кўзда тутилмоқда. Дренаж пластмасса қувурлар ётқизадиган махсус машиналар ишлаб чиқаришни ҳам жадаллаштириш зарур. Мана шуларнинг ҳаммаси металл ишлатишни анча камайтириш, сопол дренаж ётқизишдаги унумсиз меҳнатни тугатиш имконини беради.

Сув режимини икки ёқлама тартибга соладиган система серзах зонада ўзининг яхши хусусиятларини кўрсатди. Москва, Ленинград, Брест, Ровно областларининг тажрибаси ва чет эл тажрибаси бундай системалар иқлим жиҳатидан энг ноқулай йилларда ҳам деҳқончиликнинг барқарорлигини таъминлашини ва ҳосилдорликни 20-40 процент оширишини кўрсатди. Бу системаларни лойиҳалаш ва қуришни кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Ерларни мелиорациялаш сермаҳсул деҳқончилик учун қулай шароит яратади, аммо бир қанча ҳолларда у табиий жараёнларга салбий таъсир қилади: дарёлардаги сувларнинг минераллашуви кўпаяди, сув ҳавзаларига чучук сувнинг оқиб келиши камаяди, сувлар ўғит ва гербицидлар билан буғланади, ерларнинг шўрланиш ва зах босиш жараёнлари кучаяди.

Маҳаллий сув ресурслари тугай деб қолган жойларда бу вазиятни ҳисобга олиш айниқса муҳимдир. Бу гап Сирдарё, Амударё, Кубань, Терек, Дон дарёларининг ҳавзаларига тааллуқлидир. Шу сабабли мелиорациялашни бундан буён ривожлантириш илмий жиҳатдан чуқур асосланиши, атроф-муҳитни сақлаб қолиш манфаатларини назарда тутиши лозим. Бу гап сув оқимини территорияларга қайта тақсимлашга, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга ва шу ресурсларни булғанишдан ва тугаб қолишдан муҳофаза этиш, тупроқнинг сув—туз режимини комплекс тартибга солиш методларини яратишга ҳам тааллуқлидир.

Фан ва техника давлат комитети, СССР Фанлар академияси, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академияси, тармоқ илмий тадқиқот институтлари шу проблемалар соҳасидаги тадқиқотларнинг самарадорлигини оширишлари, илм-фанни мелиорация программасида ўртага қўйилган конкрет вазифаларга яқинлаштиришлари керак.

Селекционерлар мелиорация қилинган далаларнинг меҳнатчилари олдида катта қарздордирлар. Марказий Комитетнинг 1966 йил май Пленумидаёқ улар олдига экинларнинг суғориладиган ерларда етиштириш учун ҳамма зарур талабларга мос келадиган, серҳосил интенсив навларини яратиб бериш вазифаси қўйилган эди.

Хўш, ҳозир бу иш қай аҳволда турибди? Украинанинг жануби ва Молдавия учун мос келадиган буғдойнинг кузги нави ҳамон етиштириб берилган эмас. Ҳолбуки бу ерда мамлакатдаги энг йирик Одесса селекция маркази ва бошқа илмий-тадқиқот муассасалари ишлаб турибди. Поволжьеда бир қанча илмий муассасалар бўлишига қарамай, бу ердаги колхоз ва совхозлар баҳори буғдойнинг яхши навларини олганлари йўқ. Краснодар ўлкасида ва Украина жанубида жойлашган етакчи маккажўхори селекцияси марказлари ҳали юқори натижаларга эришмаганлар. Суғориладиган шароитда етиштириш учун дон учун экиладиган маккажўхорининг серҳосил навлари ва гибридлари йўқлиги хусусида жойлардан ҳамон шикоятлар келиб турибди. Шоли ва беданинг ҳам навларини янгилаш керак.

Суғоришга мосланган ва индустриал технологияларнинг талабларига мос келадиган қишлоқ хўжалик экинларининг янги навлари ва гибридларини яратиш ишини кучайтириш, гектарига 120—130 центнер ҳосил бера оладиган маккажўхори, 60—80 центнер ҳосил берадиган шоли ва 30—40 центнер ҳосил берадиган тариқнинг касалликларга ва зараркунандаларга чидамли навлари ҳамда гибридларини ишлаб чиқаришга жорий этиш зарур.

Маккажўхорининг эртанги ва ўртаги гибридларини, баҳори ва кузги буғдойнинг, кўп йиллик ўтларнинг интенсив навларини, сабзавот, полиз экинлари, мевали ва резавор экинлар ҳамда узумнинг серҳосил навлари ва гибридларни яратишга алоҳида эътибор берилиши керак. Ем-хашак экинларидан йилига 2—3 ҳосил етиштириш ва гектар бошига 10 — 15 тонна озуқа бирлиги олиш имконини берадиган технологияларни ишлаб чиқиб, жорий этиш зарур.

Қишлоқ хўжалик министрлиги ва қишлоқ хўжалик фанининг штаби — ВАСХНИЛ илмий тадқиқотларни ташкил этишни яхшилаш ва уларнинг натижадорлигини ошириш масалаларига кўпроқ эътибор беришлари керак. Тупроқшунослик, ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш ва сақлаб қолиш йўлларини ўрганиш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, ўсимликларни ҳимоя қилиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг самарали биологик методларини ишлаб чиқишни тезлаштириш айниқса муҳимдир. Пировард натижада жамики илмий тадқиқотлар сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлиги ва барқарорлигини оширишга қаратилиши керак.

Шу билан бирга, ўртоқлар, биз мелиорация масалаларини фақат ерларнинг захини қочириш ва суғоришни ривожлантириш нуқтаи назаридангина кўриб чиқмаслигимиз керак, албатта. Нордон тупроқларни оҳаклаш, шўрхок ерларни гипслаш, ернинг шамол ва сув таъсиридан нурашига қарши курашиш, далаларни иҳота қилиш учун дарахтзорлар барпо этиш, кўл ва ҳовузлар, артезиан қудуқлар қуриш, хуллас, маданий деҳқончиликнинг ҳамма воситаларидан фойдаланиш муҳимдир.

Ўртоқлар!

Мелиорациялашнинг кенг программасини бажариш партия билан халқнинг кўп куч-ғайрат сарфлашини талаб қилади. Белгиланган режаларни рўёбга чиқаришда ҳамма министрликлар ва идоралар, партия ташкилотлари, халқ депутатлари Советлари, меҳнат коллективлари, касаба союзлари, комсомол, оммавий ахборот воситалари — матбуот, радио, телевидение актив қатнашиши лозим.

Партиямизнинг катта-катта программаларини — қўриқ ерларни ўзлаштириш, Байкал-Амур темир йўл магистралини қуриш, шарқий районларнинг ёқилғи-энергетика комплексларини ривожлантириш программаларини бажаришга оммани сафарбар этиш соҳасида бой тажрибаси бор. Ҳозир биз бебаҳо бойлигимиз бўлмиш ернинг ҳосилдорлигини оширишдек муҳим ва олижаноб ишга киришяпмиз.

Партия белгилаган мелиорация программасини коммунистлар, барча меҳнаткашлар жанговар хўжалик-сиёсий вазифа сифатида қабул қиладилар, деб қатъий ишонч билдиришга ижозат бергайсиз. Барча партия, совет, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органлари, агросаноат комплексининг ҳамма меҳнатчилари деҳқончилик маданиятини юксалтириш, мелиорация қилинган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда дон, ем-хашак экинлари ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил мўл ҳосил олиш учун курашга актив қўшилишларига шак-шубҳа йўқ.

Программанинг амалга оширилиши мамлакатнинг озиқ-овқат фондини узлуксиз кўпайтиришга, совет кишиларининг фаровонлигини янада оширишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади. Улуғ ленинчи партиямиз бунёдкорлик фаолиятининг олий мақсади ҳам ҳамиша шундан иборат бўлиб келди ва шундан иборатдир! **(Давомли қарсаклар).**

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

«БИЛИМЛАР УЙИ»ДА

(катта залда)
27—28 ОКТЯБРДА
ЎЗБЕКИСТОН ССР 1984 ЙИЛГИ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 5-ЧИҚАРИЛИШИ БЎЙИЧА

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

ТИРАЖДА:

«Москвич—2140» автомашинаси — 10 дона.
«Жигули — ВАЗ — 21013» автомашинаси — 25 дона.
«Запорожец—ЗАЗ—968М» автомашинаси — 15 дона.
«М—67-36 Урал» аравачали мотоцикли — 60 дона.
«Весна—202, 205» магнитофони — 200 дона.
Чойшаб — 200 дона.
Жун рўмол — 200 дона.
Олти метрли духоба — 200 дона.
3 метрли хон атлас — 500 дона ва бошқа қимматбаҳо буюмлар ва йирик пул ютуқлари

ЎЙНАЛАДИ

Тиражда умумий суммаси 1 миллион 35 минг сўм бўлган 393 мингта ютуқ ўйналади, жумладан суммаси 543.085 сўм бўлган 1410 та буюм ютуғи ва умумий суммаси 491.915 сўм бўлган 391.590 та пул ютуқлари ўйналади.
Кириш бепул.

СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА
II группа Шарқ зонаси командалари ўртасида СССР биринчилиги учун

ХОККЕЙ

28, 29, 31 ОКТЯБРДА
«БИНОКОР» (Тошкент) — «ГОРНЯК» (Дальнегорск).
3, 4, 6 НОЯБРДА
«БИНОКОР» (Тошкент) — «АМУРСТАЛЬ» (Комсомольск).
Ўйинлар шанба ва якшанба кунлари соат 17.00 да, иш кунлари соат 19.30 да бошланади.
46-03-12; 46-70-31; 46-07-53; 46-68-77 телефонлари бўйича справкалар олиш мумкин.

ПАТЕНТЛАШТИРИШ ВА ИХТИРОЧИЛИК ОЛИЙ ДАВЛАТ КУРСЛАРИ
1984-85 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курслар доимий фаолият кўрсатиб, корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, бош инженерлари, бош конструкторлари, бош технологлари ва бошқа бош мутахассисларининг, бўлим, сектор, лабораторя, цех ва ўзгача структурадаги бўлинмалар бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарларининг ихтирочилик ва патентлаштириш соҳасидаги тайёргарлиги ва малакасини оширади.

Курс программасида ихтирочилик ва патент-лицензия ишлари барча масалалар комплексини ўрганиш кўзда тутилган.

Курсларга олий маълумотга эга бўлганлар қабул қилинади.

Икки бўлим фаолият кўрсатади: кундузги—ишдан тўла ажралган ҳолда, кечки — ишдан қисман ажралган ҳолда ўқиш учун.

Кундузги бўлимда ўқиш муддати — 3 ойгача, кечки бўлимда — 6 ойгача.

Ҳамма бўлимларга тингловчилар бутун йил давомида қабул қилинади.

Машғулотлар, қоида тариқасида, бевосита тингловчиларни юборган ташкилотларда (корхоналарда) ўтказилади. Ўқишнинг бу формаси ниҳоятда самаралидир, чунки ташкилот профилини ҳисобга олган ҳолда ихтисослашган таълим бериш имконини яратади.

Тингловчиларни ўқитиш уларни юборган ташкилот ҳисобидан амалга оширилади. Ҳар бир тингловчининг ўқиши учун ташкилот тузилган шартномага биноан 30 сўм тўлайди. Ўқув планини бажарган ва имтиҳонларни муваффақиятли топширган тингловчиларга курсларни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома берилади.

Ўқишга юбориш тўғрисида заявкалар қуйидаги адресга юборилсин: 700000, Тошкент шаҳри, ГАС-11, Ю. Фучик кўчаси, 2-«а» уй.
33-48-56 телефони орқали маълумотлар олиш мумкин.

МОДЕЛЛИ ПОЙАФЗАЛ БУЮРТМАГА КЎРА



ҲАР БИР КИШИ ХУШБИЧИМ КЎРИНИШГА ЭГА БЎЛИШНИ ИСТАЙДИ.

Унинг либослари орасида модали, қулай ва кўркам пойафзал мавжуд бўлиши сезиларли аҳамият касб этади.

АММО УНИ ҚАЕРДАН ТЕЗЛИК БИЛАН ХАРИД ҚИЛИШ МУМКИН?

ОЛИЙ РАЗРЯДДАГИ 1-АТЕЛЬЕ ҚОШИДАГИ 3-ПОЙАФЗАЛ САЛОНИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШНИ ТАВСИЯ ЭТАМИЗ.

Бу ерда тасдиқланган намуналар асосида танлайдиган фасон ва размердаги эркаклар ва аёллар пойафзалини 15 кун давомида тайёрлаб берishади.

Салон адреси: Тошкент шаҳар, Хуршид кўчаси, 84-уй (2, 3, 16, 22, 25, 28-трамвайлар; 2, 9, 18, 24, 51, 60, 72-автобуслар).



«ТАШГОРОБУВЬР Е М-БИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

ЧАҚАЛОҚЛАР ЛАЗЗАТЛИ ТАОМИ



Ёш болали онанинг кўкрак сути тахчил бўлганида «Малиш» ва «Детолакт» қоришмаси чақалоқнинг соғ-саломат ва бардам бўлиб вояга етишида онага яқиндан ёрдам беради.

Бу қоришмалар ўзининг таркибига кўра она сутига анчагина яқиндир. Улар ўсимлик мойи, қаймоқ, витаминлар, пархез уни ва шакарга юқори навли сигир сути қўшилган ҳолда тайёрланмоқда.

Қоришмани тайёрлаш 2—3 минутдан кўп вақтни олмайди. «МАЛИШ»нинг сақланиш муддати 8 ой, «ДЕТОЛАКТ»ники эса 18 ой.

Қоришмани тайёрлаш жараёнида унинг қутичасида ёзиб кўрсатилган тавсияномаларга жиддий риоя қилиш жуда ҳам муҳимдир. Агарда қоришманинг миқдори ошириб юборилса, болада нохуш аломатларни келтириб чиқариши мумкин.

Мурғак инсоннинг овқатланишида энг бебаҳо таом — бу манний кашасидир. Бола 5—6 ойлигидан бошлаб манний каша билан боқиш бошланади. Уни тайёрлаш жуда ҳам осон. 5—6 ойлик бола учун манний каша тайёрлашнинг рецепти:

қайнаб турган сувга янчилган манний ёрмаси юпқа қилиб сепилади, паст оловда 30 минут давомида қайнатиб, яхшигина кўпчитилади. Манний ёрмаси ёзилгандан кейин унга туз эритмаси, шакар шарбати қуйилади, 70 даража иссиққача қиздирилган хом сут қуйилади. Каша сут билан 1—2 минут қайнатилади, стерилизацияланган шишачага қуйилади, оғзи тиқин билан беркитилади ва устидан қайноқ сув қуйилади. Болани овқатлантиришдан олдин каша солинган шишача иссиқ сувда иситилади.

Масаллиқ учун 5 грамм манний ёрмаси, 50 грамм сут, 100 грамм сув, 5 грамм шакар шарбати, 0,6 грамм туз эритмаси.

6 ойликдан катта бўлган болалар учун манний каша: кастрюлкага ярим стакан сут ва сув қуйилади. Қайнатилади ва қоришмага янчилган манний ёрмаси сепилади ҳамда паст оловда 30 минут қайнатилади. Шундан кейин туз эритмаси, шакар шарбати, иситилган сутнинг қолган қисми қуйилади ва 2—3 минут давомида қайнатилади.

Тайёр бўлган кашага сариқ мой солиб яхшилаб аралаштирилади.

Масаллиқ учун 20 грамм манний ёрмаси, 5 грамм сариқ мой, 200 грамм сут, 50 грамм сув, 10 грамм шакар шарбати, 3 грамм туз эритмаси.

Бир ёшдан ошган болалар учун манний каша тайёрлаш рецепти.

ТОМАТ ШАРБАТИДАН МАННИЙ ҚАША

Ўртача катталикдаги помидор қайноқ сувга 1 — 2 минут давомида солиб қўйилади, парраклаб тўғралади, докага ўралади, устидан қошиқ билан эзилади ва шарбати сиқиб олинади. Ана шу шарбат совутилган манний кашага қуйилади.

Масаллиқ учун 20 грамм манний ёрмаси, 50 грамм помидор, 5 грамм сариқ мой, 150 грамм сут, 50 грамм сув, 10 грамм шакар шарбати, 3 грамм туз эритмаси.

Мурғак боланинг овқатланишини шарбатлар билан ранг-баранг этиш ғоятда фойдалидир. Чунки ўсиб бораётган ёш танага витаминлар жуда ҳам керак.

Олма ва томат шарбати таркибида асосий витаминлар — А, В, С мужассамлашган. Улар толиқишни кетказади, иштаҳани очади.

Узум шарбати тўйимлилик жиҳатдан сутга тенг келади. Унинг таркибида шифобахш хусусиятлар бор.

Боланинг менюсига шарбатлар киритсангиз у бардам-бақувват ва соғ-саломат бўлиб вояга етади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ (телефон: 33-68-83).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

182-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Билим юрти шаҳар қурилишларида ишлаш учун қуйидаги касблар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди. ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ, СУВОҚЧИ-БЎЁҚЧИ, БЎЁҚЧИ, ДУРАДГОР, АВТОСЛЕСАРЬ.

Ўқиш муддати — 1—2—3 йил.

Узоқдан келганларга ётоқхона берилади.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН ЮҚОРИ ЁШДАГИ 8-10 СИНФНИ БИТИРГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганларга диплом берилади ва улар қурилиш бошқармасига ишга юборилади. Билим юртини аъло ва яхши баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 50 проценти билан таъминланадилар.

10 синфни битирганлар 30 сўм стипендия оладилар. Совет Армиясини битириб келганлар 60 сўм стипендия оладилар.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртини битирганларга «Ташпромстрой» бошқармасига йўлланма берилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: билим юрти директори номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.) соғлиғи тўғрисидаги справка (286-форма).

Аризалар ҳар куни соат 9 дан соат 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Багратион кўчаси, 4-уй. Телефон 64-18-41. (17-автобуснинг «12-турар жой шаҳарчаси; 13-трамвайнинг 2-«Шимолий-Шарқ» бекатлари).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ—ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИГА

ТЕЛЕФОНДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ҲАҚНИ ИСТАЛГАН АЛОҚА БЎЛИМИДА ТЎЛАШ МУМКИНЛИГИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Темир йўл транспорти ва Тошкент метрополитенидаги автоматика ва телемеханика бўйича
БУТУНИТТИФОҚ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН 820-ПОЕЗДИ
автоматика ва телемеханика ускуналари электромонтажчиларини тайёрлайдиган
3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсларга 20—29 ёшдаги эркаклар қабул қилинади.
Ўқувчиларга 96 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.


820-ихтисослашган монтаж поезднинг ишчилари имтиёзлардан фойдаланадилар.

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли.

Ишларнинг кўчма характерда бўлганлиги учун тариф ставкасининг 50 процента ва иқлим шароити учун 20 процент миқдорида қўшимча ҳақ тўланади. Объектлар фойдаланишга топширилганда мукофот пули берилади. Ишлаётган ишчи ва унинг қарамоғидаги 1 киши меҳнат отпускаси чоғида темир йўлдан бепул фойдаланади.

Машғулотлар группаларининг комплектланишига кўра бошланади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Маҳзуна кўчаси, 1-тупик, 14-«а» уй. (15, 26-автобусларнинг «Санитария техника ускуналари уйи заводи» (бекати) Телефон 97-17-61.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
— орган Ташкентского городского комитета Компартии Узбекистана и Ташгорсовета депутатов трудящихся.
Газета бир йилда 300 марта чиқади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-42; партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-48-32-58-83; шаҳар хўжалиги — 32-51-39; ички ишлар ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, маориф, соғлиқни сақлаш — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-78-94; диспетчерн — 32-78-94.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.

Р—12529. 5-2015.

ТВ

пайшанба

25 ОКТЯБРЬ

● МТ I

17.30 «Шахмат мактаби». Маҳорат сабоқлари.
18.00 «Миллионлар ленинча университетга». «Икки дунё — икки сиёсат».
18.30 Футбол бўйича кубок эгаларининг кубоги. 1/8 финал. «Динамо» (Москва) —«Хамрун» (Мальта). 2-тайм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.45 Футбол бўйича УЕФА кубоги. 1/16 финал. «Спортинг» (Лиссабон) — «Динамо» (Минск). 2-тайм. Португалиядан олиб кўрсатилади.
20.30 «Қизил қўнғироқлар». Етти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Бу йўлларни биз унутмаймиз». Шоир А. Межиров сўзи.
22.30 «Телевидение фондидан». Ленин мукофотининг лауреати, СССР халқ артисти Д. Ойстрах концерти.
23.35 «Дунё воқеалари».
23.50 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 Ҳужжатли фильмлар: «Атом билан мулоқот», «Пропагандистнинг ижодий плани».
19.30 «Сиз яратган боғ».
20.00 «Ритм» операциясйи». Қозоғистон ва Сибирнинг бир-бирига боғлиқ корхоналари ўртасидаги мусобақани ривожлантириш ҳақида 1-кўрсатув.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 Автокросс бўйича Европа чемпионати. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
21.20 «Олтин тоғлар». Ҳужжатли фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Қаҳратон қиш ҳароратя». Телевизион бадиий фильм премьераси 2-серия.
23.10 «Ёзувчи ва ҳаёт».

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм
18.30 «Анъаналар ва замонавийлик».

ХОРАЗМ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

19.00 «Ҳаёт мактаби». Қонқа районидаги М. Қаландаров номли ўрта мактабнинг ўқувчилар бригадаси ҳақида кўрсатув.
19.30 «Ахборот» (рус). Хоразм телевидениеси программасининг давоми.
19.50 1. Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Садоқат». Улуғ Ватан уруши ветеранлари ҳақида. 2. «Кўҳна касбнинг янги умри». Хива бадиий кулолчилик заводи коллективи ҳақида (рус.).
20.30 «Ахборот» Хоразм телевидениеси программасининг давоми.
20.55 Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Наримонов номли колхознинг Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати «Қалдирғоч» ансамбли концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ойнадан ўпкалама». Ҳажвий телефельетон.
22.25 «Мутлақо жиддий». Бадиий фильм.

ЖУМА

26 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Қизил қўнғироқлар». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
10.35 «Қувноқ стартлар».
11.20 Рус композиторларининг вокал дуэтлари.
11.40 «Агар оламни кўрмоқчи бўлсанг...». Телефильм.
12.05 С. Прокофьев. «Ромео ва Жульетта» балетига ёзилган куйлардан парчалар.
12.35 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Сув жозибаси». Телефильм.
15.35 «Рус тили».
16.05 «Олимлар — Подмосковьенинг агросаноат комплексига».
16.35 «Австрия тупроғида». Киноочерк.
16.55 «Москва комсомолининг ишлари».
17.40 Гитарачи ака-ука Иваннковлар дуэти чалади.
18.10 «Дўстлашиб, бирга хизмат қиламиз». Хизмат қилувчи итларни ўргатиш марказий мактаби ҳақида телеочерк.
18.30 «Ҳозирги замон ва ишчилар ҳаракати».
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.35 «Қишлоққа қўшиқ учун». Музикали кўрсатув.
20.30 «Қизил қўнғироқлар». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 МТ ва БР симфоник ҳамда эстрада куйлари оркестрининг концерти.
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 — 9.35 «Саҳро қандай бўлиши керак».
14.40 «Карл Маркс ва революцион Россия».
15.10 «Булутлар остидаги бугулар». Илмий-оммабоп фильм.
15.20 И. Ильф ва Е. Петров. Ҳаёт ва ижоди саҳифалари.
16.15 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. «Жальгирис» — МАСК.
19.30 «Саёҳатчилар клуби».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Ритм» операцияси». 2-кўрсатув.
21.20 «Моҳир қўллар». Фильм-концерт.
21.30 «Время».
22.05 «Оғиш бурчаги». Бадиий фильм. 1-ва 2-серилар.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомоллари».
19.00 «Ягона снёсий кун». «Ўзбекистон ССР халқларининг қардошлик оиласида».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 Ғаллаорол «Рейсельхозтехника»си иш тажрибасидан.
20.05 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».
20.55 УзССРда хизмат кўрсатган артист Ф. Мамадалиев куйлайди.
22.05 «Хирмонингизга барака».
21.30 Москва. «Время».
22.20 «Бузилмас иттифоқ». УзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикалар телевизион фестивали. Грузия телевидениесининг программаси.
23.50 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00—16.20 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Ўқитувчилар учун консультация.
18.45 Симфоник куйлардан концерт.
19.20 «Касблар ҳақида ҳикоялар».
19.50 Тошкент янгиликлари.
20.10 «Ишбилармон кишилар». Бадиий фильм (рус.).
21.30 МТ II

4 ТОШКЕНТ ВЕТ. ОҚШОМИ

25 ОКТЯБРЬ, 1984 й.